



Кун нафаси



Давлатимиз раҳбари «Халқлар дўстлиги кўни муносабати билан бир гуруҳ фаолларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.



Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль кўни Юқори Чирчиқ туманидаги «Astrum» IT академиясига ташриф буюриб, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашди.



Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ййгилишининг тадбирларида иштирок этаётган ШХТга аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди.

Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши ййгилиши бўлиб ўтди.



Пойтахтимизда «Одам савдосига қарши курашиш соҳасида миллий ва халқаро шерикликни мустаҳкамлаш» мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди.



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амрхон Муттақий бошчилигидаги делегация 29 июль кўни Самарқандга ташриф буюрди.




Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Ҳиндистонга ташрифи доирасида Деҳли шаҳрида Ўзбек-Ҳинд бизнес-форуми ташкил этилди.

Деҳли шаҳрида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон Ҳукуматлараро комиссиясининг 13-ййгилиши ўтказилди.



Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Бангладеш ҳукуматлараро комиссиясининг 3-ййгилиши бўлди.



2022 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 332,1 мингга (2,1% га) кўпайиб, 35,6 миллион нафардан ошган. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар берди.

Пойтахтимизда ўқув фанлари бўйича энг нуфузли халқаро олимпиадалар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
30 июль
шанба
№ 92-93
(4689)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



«Тонг»да ҳамиша кайфият аъло



Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан икки қардош халқнинг яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қирғизистонлик 54 нафар ўғил-қиз Фарғона туманининг қир-адирлар қўйнида жойлашган «Тонг» болалар оромгоҳига ҳордиқ чиқариш учун таклиф этилди.

Айни пайтда барча шароитлар яратилган сўлим гўша икки қардош эл болаларининг шодон кулгисига тўлган. Оромгоҳимизга биринчи марта қирғизистонлик ўғил-қизларнинг келиши, – дейди оромгоҳ раҳбари Хуршидбек Абдуллаев. – Бу ташрифдан бошимиз осмонга етди. Уларни хушнуд этиш учун бир-биридан ажойиб дастурларни тайёрлаб қўйганмиз. Қолаверса, бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўрганмиз. Янги бассейн, 16 ўринли ювенил хоналарини қурдик. Мавжуд ётоқ биноларини мукамал таъмирдан чиқардик. Тўғарақлар сонини кўпайтирдик. Ҳозирда оромгоҳда рус, инглиз ва корейс тили, компьютер саводхонлиги,

рақс, сузиш, футбол, волейбол каби ўндан ортиқ тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Қирғизистонлик тенгдошларим билан тезда дўстлашиб, қалин дугона бўлиб қолдик, – дейди Шаҳина Шарипова. – Ҳозир биргаликда тўғарақларга қатнашяпмиз. «Тонг» оромгоҳида дам олиб, кўпгина дўстлар орттиряпман, – дейди қирғизистонлик Нурсултон Турсунқулов. – Бу ерда Ҳасан, Хусан, Исқандарбек билан танишдим. Ҳар кўни биргаликда футбол, теннис, шахмат ўйнаб кунимизни мароқли ўтказяпмиз. Агар келаси йил ҳам шундай имконият бўлса, албатта, келаман. – Бу ерда бизни яхши кутиб олишди.

Кайфиятимиз аъло даражада, – дейди қирғизистонлик Гулнур Маъмуриддинова. – Дугоналарим билан ўйнаямиз, бирга сайр қияпмиз. Бу ер менга ёқди. Асосийси, ўзбекистонлик дугоналарим борлигидан хурсандман. Болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳар бир кўнга алоҳида дастурлар белгиланган бўлиб, бунда турли учрашувлар, маданий тадбирлар, театр томошалари, концерт дастурлари уюштирилмоқда. Ҳа, «Тонг»даги ҳар бир кўн икки қардош элнинг болаларига олам-олам қувонч бағишламоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Халқаро ҳамкорлик



Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир!

4-5 >>>

Тахиятошлик болажонлар Сурхондарёда

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги «Сурхон-Шеробод-Бешбулоқ» оромгоҳида ҳар йили олтин воҳанинг минг нафардан зиёд фарзандлари кўнгили ҳордиқ чиқаради.



Сурхон воҳасининг бахтиёр ўғил-қизлари соғломлаштирилмоқда. Оромгоҳда барча шароитлар муҳайё этилган. Турли дарсликлар ва бадий адабиётга бой кутубхона, фан тўғарақлари, спорт секциялари ўқувчилар хизматида. Айниқса, маданий-маърифий мулоқотлар, эртак қаҳрамонлари билан учрашувлар, билимдонлар баҳси, турли спорт мусобақалари дам олувчиларга фоят манзур бўлмоқда.



– Ҳар кўни болаларимиз тоғ ёнбағирларида сайр қилиб яйрашади, – дейди оромгоҳ директори Илҳом Шайматов. – Бундан ташқари, ўтказилаётган кўнгилолчар дастурларда ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг миллий ўйинларидан фойдаланяпмиз. Мақсадимиз – таътилнинг ҳар бир кўни болаларимиз хотирасида муҳрланиб қолсин. – Бу сўлим ва баҳаво гўшада жойлашган оромгоҳда мазмунли ҳордиқ чиқа-



риш билан бирга турли фан ва спорт тўғарақларига мунтазам қатнашиб, ўз билимларини мустаҳкамлаяпман, – дейди Тахиятош туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зухриддин Асомиддинов. – Ҳар кўни вилоят кўғирчоқ театри, маданият ходимлари ва турли вилоят раҳбарлари кўнгилолчар тадбирлар ўтказишаётир. Миллий ўйинларимизни сурхондарёлик дўстларимиз билан баҳамжихат намойиш қияпмиз.

– Мамлакатимизда фарзандларимизнинг порлоқ истиқболини таъминлашда улкан ислохотлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг «Биз бир элмиз, бир халқмиз, янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!» шиори остида оролбўйилик 103 нафар иқтидорли ўғил-қиз, ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандларининг тасарруфимиздаги «Сурхон-Шеробод-Бешбулоқ» оромгоҳида дам олаётгани ҳам эзгу ишларимизнинг бир кўринишидир, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси А.Аҳмедов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

ЗАРАР ПУЛЛАРИ нега тўланмаган эди?

Самарқанд вилояти

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида ишловчи Зиёда Тоштемирова бир гуруҳ ходимлар номидан қасаба уюшмаларига ариза билан келди.

Касаба уюшмаси аралашгач...


Унинг айтишича, марказда зарарли иш шароитида ишловчи техник ходимларга бир неча йиллардан буён зарар пуллари тўланмасдан келинаётган экан. Сир эмас, аксари иш берувчилар ойлик маош тўловлари қарздорлигидан бошқасини тан олмайди. Зарар ва бошқа тўловларга келганда қатор ваз-корсонлар рўқач қилинади. Яхшики, ҳамма жойда ҳам эмас. Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Муҳаммад Сатторов томонидан муружаат ўрганилганда, маъмурият катта хайрихоҳлик кўрсатди. Эътиборли жиҳати, марказ раҳбарлари қасаба уюшмалари ва ходимлар қўйган талаб ҳаққонийлигини тан олди.

– Марказда 2018 йилдан буён аттестациядан ўтган, хавфли ва зарарли омиллар мавжудлиги аниқланган иш ўринларида ишлаб келган ходимларга белгиланган тартибда қўшимча зарар пуллари тўланмаганини аниқладик, – дейди Муҳаммад Сатторов. – Раҳбариятга қонун талаблари тушунтирилди. Улар ўтган йиллар давомида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга киришди. Иш берувчининг жиддий қарорини қасаба уюшмалари ҳам, ходимлар ҳам кўп кутмади. Буни қасаба уюшмаларига марказ маъмурияти вакили ва ходимлар томонидан келган кейинги хатлар ҳам исботлаб турибди.

Марказ маъмурияти меҳнат муносабатларидаги нуқсонларни кўрсатиб, бартараф этишга кўмак кўрсатгани учун, ходимлар эса тўланмай қолган зарар пуллари ундириб берилгани учун қасаба уюшмаларидан миннатдор эканини баён этишган.

Касаба уюшмалари аралашуви билан 11 нафар техник ходимнинг пластик карталарига 118 миллион 283 минг 689 сўм миқдориди зарар пуллари ўтказиб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»





Анжуман

Ҳужжатлар ижроси назоратда

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Адлия вазирлиги мутасаддилари томонидан «Президент ҳужжатлари ижросини таъминлашда кўрилатган чоралар. Давлат органларида Президент ҳужжатлари ижро ҳолати» мавзуларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Президентнинг қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш мақсадида давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинган. Уларга кўра, Адлия вазирлигига жойларда Президент фармон ва қарорларининг вақтида, самарали ижро этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Тадбирда Адлия вазирлиги томонидан жойларда ўтказилган мониторинг якунлари ва кўрилган чоралар баён этилди. Тадбир давомида қарорларнинг ижросини таъминлашда тўғри бўлаётган сабаб ва камчиликлар айтиб ўтилди. Айрим ҳудуд ҳокимиятлари фаолиятидаги кўзбўямачиликлар, ҳисоботлардаги қўшиб ёзишлар очиқланди. Вазирлик томонидан январь-март ойла-

рида 313 та ҳужжат кўрилиб, ундаги 16 599 та топшириқ «ljo.gov.uz» тизимида рўйхатга олинди ва ижро қилиниши таъминланди. Мониторинг давомида 56 967 та топшириқ ижроси кўрилиб, шулардан жорий йилнинг биринчи ярмига бажарилиши керак бўлган 4 816 та вазифа ва топшириқнинг бажарилиши таъминланди. Жами 15 та соҳа бўйича вазифа ва топшириқлар бажарилиши таҳлил қилинди. Вақтида бажарилмаган топшириқлар ижросини таъминлаш ва бу ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан Молия, Қурилиш, Энергетика вазирликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси каби 10 дан ортиқ идора ва ташкилотга тақдирномалар киритилди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Қўтонида қўй, қўрасида бир бош қорамол парваришламаган кишилар сони қишлоқда ҳам кўпайиб қолди. Сабаби сўралганда кўпинча озуқа танқислиги ва қимматлиги рўқач қилинади.

Кооперация истиқболлари

Моли борнинг ҳоли бор



Каттақўрғон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Муҳаммаджон киши-миш боғлари» МЧЖ раҳбари Шерали Қўзиев маҳалладошларининг ана шундай қарашларига барҳам берди.


Тадбиркор имкониятини чамалаб чиққач, ҳудудда чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлади. Қўшни давлатдан 120 бош наслдор қорамол олиб келди. Атрофдагиларни бу юмушдан фойда кўришга чорлади. Маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган 58 та хонадон кооператив хўжаликка аъзо қилиниб, қорамоллар тақсимланди. Кооперация аъзолари қарамоғидаги чорванинг озуқа-ем таъминоти, ветеринария ва агротехник хизматларини ўз гарданига олди. Хонадонларда парваришланаётган сигирлардан соғиб олинаётган сутни сотиш, қайта ишлашга йўналтирилган хизматларни ташкил этди.

– Кооператив хўжаликка аъзо бўлиб, 2 бош соғин сигир олдик, – дейди «Номозполвон» маҳалласида яшовчи Чиннигул Ашурова. – Жониворларнинг қаровини рисоладагидек йўлга қўйганмиз. Айни вақтда кунига 30-35 литр атрофида сут соғиб оляпмиз. Рўзгорга барака кирди. Ортиқча маҳсулотдан келган ойлик даромад 2-2,5 миллион сўм атрофида бўляпти.

– Шароит сабаб мол боқишдан қўл узиб қўйгандик, – дейди Иззат Исмоилов. – Кооперация кўмағида қишлоқда бу соҳа яна жонлана бошлади. Бундан маҳалла аҳли хурсанд.

Бугунги кунда ниёзполвонлик 70 нафар киши «Муҳаммаджон киши-миш боғлари» кооператив хўжалиги шарофати билан юмушли бўлди. Тадбиркор айни чоғда қўй боқишга ҳавасмандларни ўз атрофига чорламоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Қарши шаҳридаги «Маҳаллот» маҳалласида яшовчи Ҳулқар Шарипованиннг икки нафар фарзанди бор. Қайнонаси бемор. Бирор жойда ишлаш деса тайинли иш ҳам йўқ. Шуларни ўйлаб юрганида уйига маҳалла ва касаба уюшма фаоллари келишиб, муаммоларини сўрашди. Гўзаллик салони ташкил қилишга қизиқиши борлигини эшитгач, банкдан кредит олишга кўмаклашилди. Шу тариқа маҳаллада хотин-қизларга маиший хизмат кўрсатадиган салон фаолият бошлади.

Шу маҳаллада яшовчи Нигора Эшонқулова турмуш ўртоғи билан ажрашган. У икки боласини боқиш учун ўзга давлатга бормоқчи бўлди. Аммо «Аёллар дафтари» тўғрисида бунинг олди олинди. Мутасаддилар Нигора ва қизи Сабринаниннг қандолатчилик цехига ишга киришига кўмаклашди. Бугунги кунда она-бола цехнинг энг фаол ишчиларига айланишган.

«Аёллар дафтари»га кирган Рохила Бегматова эса банкдан кредит олиб, замонавий тикув машинаси харид қилди. Айни пайтда ёш қизларга чеварликни ўргатиш билан бирга, буюртма асосида тиқиш-бичиш ишларини бажартиради. Аёлнинг оилавий шароити яхшиланиб, яқинда фарзандининг тўйини ҳам ўтказди.

Тўрт фарзанднинг онаси, кам таъминланган Умида Шафқиева эса қўли гул чевар. «Аёллар дафтари» шарофати билан унинг ҳам ҳаётига нур кирди. Кредит олди, иши юрди. Чевар аёл айни пайтда гимнастика спорт либосларини тикиб, дўкон ва бозор расталарига топширмоқда.

Тўрт фарзанднинг онаси, кам таъминланган Умида Шафқиева эса қўли гул чевар. «Аёллар дафтари» шарофати билан унинг ҳам ҳаётига нур кирди. Кредит олди, иши юрди. Чевар аёл айни пайтда гимнастика спорт либосларини тикиб, дўкон ва бозор расталарига топширмоқда.

тоифаларига қараб ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди, – дейди «Маҳаллот» МФЙ раиси Гулжаҳон Эркаева. – Давлат ғамхўрлигининг амалдаги ифодаси бўлган ушбу дафтар, чин маънода, қадр китобига айланди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси масъул ходимлари ва хоразмлик касаба уюшма фаоллари учрашуви ташкил қилинди.

Учрашув

Академияда таълим қандай бўлади?

Тадбирда академия мутасаддилари 2022-2023 ўқув йили учун қабул жараёни, талабалар учун яратилган шароитлар, имтиёзлар, талаблар ҳақида батафсил ахборот бердилар.

Фаоллар ушбу академиянинг ташкил қилинишини касаба уюшмаларининг жамиятидаги мавқеи ошириб бораётгани самараси сифатида баҳоладилар. Айни вақтда кўплаб саволларга атрофлича жавоблар олинди. Хусусан, академияда таълим сифати қай даражада юқори бўлиши, иқтидорли талабалар қандай қўллаб-қувватланиши, академия дипломи барча ташкилотларда ўтиш-ўтмаслиги, магистратура таълими қачон йўлга қўйилиши каби масалаларга оид фикр киритилди.

Фаоллар жойларда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини кенг тарғиб қилишга келишиб олдилар.

Мухаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Тадбир

МУҲИМ МАВЗУДА УЛОҚОТ

Гулистон шаҳрида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Унда тармоқ мутахассислари, тизимдаги иш берувчилар ва бошланғич касаба уюшмалари раислари қатнашди.

Мулоқот аввалида кенгаш раиси Шухрат Деҳқонов ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ва соҳадаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.

Тадбир иштирокчилари мулоқотда фаол иштирок этиб соҳага оид савол, таклифлар йўллаб, уларни бир-бирида муҳокама қилишди. Жумладан, Сирдарё тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бошланғич касаба уюшмаси раиси Лочин Хусанов мактаб маънавият хонасида ташкил этилган касаба уюшмаси бурчаги жавонини соҳага оид адабиётлар билан тўлдиршида кенгашдан амалий ёрдам сўради. Гулистон ихтисослаштирилган санъат мактаби бошланғич касаба уюшмаси раиси Мурод Сангиров эса дарс берувчи ходимлар меҳнат таътилига бир вақтда чиқиши, уларнинг санаторий йўлланиши билан таъминланишида айрим муаммоларга дуч келиш ҳолатлари учраши ҳақида фикр билдирди.

Тадбир якунида ўтган вақт давомида ютуқларга эришган фаолларга Республика кенгашининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Уллубек ТўРАҚУЛОВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бирлашган ташкилоти раиси

Ташаббус самараси

Зарбдор тумани «Нурафшон» маҳалласида яшовчи Абдусаттор Жувашев шу йилнинг қишида иш тополмай, хорижга кетишни хаёл қила бошлади. Яхшики, бир эзгу ташаббус сабаб у юртда қолишга, мўмайгина даромад олишга эришди.

Ҳап шундаки, жорий йилнинг баҳорида тумандаги ишсиз ёшларнинг 13 нафарига «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси асосида ер ажратиб берилди. Уларнинг сафида Абдусаттор ҳам бор эди.

Мазкур ер майдонлари ёшларга бириктирилган ташаббускор тадбиркорнинг амалий кўмағи билан қисқа вақт ичида оби-тобига келтириб, оқ қовуннинг экспорт учун мўлжалланган нави экилди. Ўзига ажратил-

ган майдонда қовун етиштирган Абдусаттор Жувашев маҳсулотини шартнома асосида тадбиркорга топшириб, яхшигина даромад олди. Умуман олганда, ер эгалари бир гектардан ўртача 30 миллион сўмга яқин маблағга эга бўлди.

– Зарбдор туманида томорқа ер эгалари сони 10 минг 106 нафарини ташкил этади, – дейди Фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгалари Зарбдор тумани кенгаши раиси Саҳобиддин Ҳожиқулов. – 2022 йилда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан жами 848,5 гектар майдонга эртаги экинлар экилган. Шундан 576,8 гектари сабзавот экинларини ташкил қилади. Ижтимоий дафтарларга киритилган ҳамда ўз-ўзини банд қилиш истагидаги аҳолининг томорқа билан шуғулланишга қизиқиши ортаётгани томорқа маданияти шаклланаётгани ва

оммалашаётганидан дарак беради. Натижада, тадбиркорлар сафи кўпайиб, туманининг экспорт салоҳияти юксаяпти.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги 4-сектор ҳудудидаги «Нурафшон» маҳалласида ҳар бир гектардан 56 та лот бўйича қўйилган ер майдонлари ғолиб бўлган 56 нафар талабгорга ажратиб берилган. Ушбу жараёнда маҳалланиннг ташаббускор тадбиркори ер эгалари билан шартнома тузиб, уларни зарур уруғлик билан таъминлади. Аҳамиятлиси, ажратилган майдонларнинг аксариятида «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида Мирзачўл қовунлари етиштирилди. Ташаббускор тадбиркор уларни маҳсулот етиштирувчилардан қабул қилиб, пешма-пеш экспортга йўналтиряпти.

Мўқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Ҳар бир ёшга – бир гектар


Яхши журналист бўлиш кун тартибини унутиб, дам олиш ё байрам-ларда ҳам уйда бўлмай, ўзгалар дардини тинглаб, унга ечим излаш каби таъбиҳларни торттишгина эмас. Журналист, аввало, ҳеч кимникига ўхшамаган бетакрор услубини ярата олиши шарт. Ўз ёзиш услубига эга бўлмаган журналист қуроли йўқ жангчидир.

Яқинда чоп этилган «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламини ўқир эканман, муаллиф Гулчеҳра Умарованинг бу жиҳатдан яхши қуролланганига, ОАВ майдонида ўзининг бетакрор имзосига эгаллигига яна бир бор амин бўлдим. Тўпланда Гулчеҳра опанинг бир неча йиллик чиқишлари, суҳбатлари жамланган бўлиб, улар бир нафасда ўқилади, ифода усули билан ўқувчини ўзига маҳлиё этади, кўтарилган мавзулари билан эътибор қозонади.

Журналистика ва журналистларга бўлган муносабат мурраккаб. Уларни юз берган барча мусибатларда айбловчилар ҳам, тарафини олиб оқловчилар ҳам етарли. Аммо ҳар икки томон ҳам бир нарсани муштарак – журналист жамиятга сув билан ҳаводек зарур. У ўқувчилар тўғри қарор чиқаришига ёрдам беради. Қандай қилиб? Қўрган-эшитган барча нарсани тўғри ва тўлиқ тасвирлаш, адолатли тиклаш орқали. Гулчеҳра опа бутун журналистик фаолияти давомида ўқувчиларига шу тўғри ва холис фикрини етказиб келди.

«Шу чоққача «...Биз Москванинг қўлига қарам эдик, ўз ихтиёримиз билан фильм суратга олиш ҳуқуқимиз йўқ эди...» қабилдаги тап-сўзлар кўп бўлди. Бугун мавзу танлаш, сценарий ёзиш, актёрларни саралаш каби барча ташкилий ишлар ўзимизнинг қўлимизда-ку!... Лекин, очигини айтиш кесимли санъаткоримиз Лола Элтоевани янгидан таниймиз, мақомларнинг маҳоратли ижросиси Нодира Пирматовани инжа таъбли, тўғрисиўз инсон сифатида кашф этамиз ва ҳоказолар.

Журналистикада «Сарлавҳа – мақоланинг ярми» деган гап бор. Гулчеҳра опанинг бу борада қанчалар талабчан экани «Муножот»нинг бекаси», «Ниятлар туташганда», «Юзингни кўрсатиб аввал...», «Санъат ҳам тафаккур меваси», «Бир баҳорий насим бўлсам Сурхонимга», «Бахта бурканган аёл» каби мақолаларидан сезилади. Опа мақолада кўзда тутилган масала, ёритилаётган мавзунинг сарлавҳада акс эттиришга уринади. Бу тўғри ҳам. Ўқувчида дарров тасаввур уйғонади, муайян мавзунинг ўқишга тайёр бўлади, умуман, сарлавҳа унинг эътиборини тортмас, ўқиб ҳам ўтирмайди. Ўқувчининг бу шафқатсизлиги журналистнинг мудом ўз устида ишлашга ун-



ЭЗГУЛИК ОХАНРАБОСИ

ракки, ҳали кинода ярқ этиб кўзга ташланган асарлар яратилмади». Бу сатрлар «Бурилиш қачон бўлади?» мақоласига тегишли бўлиб, унда опа ўзбек миллий киночилиги йўқлиги, яратилаётган фильмларни асар деб аташ мушкуллиги, кинематография битта мавзу атрофида ўралашиб қолаётгани, режиссёрлар ўзбек тилини ҳам, ўзбек ҳаётини ҳам етарлича билмасликлари каби муаммолар ҳақида жон куйдириб эҳди.

Гулчеҳра опа ўзи қаламга олаётгани масалани совуққон ёрита олмайди, доим жўшиб, ички туйғуларини билдириб ёзади – бу беихтиёр ўқувчи ҳам юқади, уни бефарқ қолдирмайди:

«Ижод яхши маънода – касаллик. Илмий тил билан айтганда, инсоннинг эмоционал-руҳий ҳолати... Ҳиссиз ижод оддий ҳунармандлик бўлиб қолади. Айнан ҳис-туйғу ҳар кун устaxonага бош-лаб келади». Жавлон Умарбеков иходига бағишланган «Юракда туғён бўлса» мақоласидаги бу сатрлар санъатдан йироқ кишиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Шу билан бирга, моҳир журналист сифатида ноҳисликка, далилларни ўз таассуротига бўйсундиришга, бировни яхши ёки ёмон кўрсатишга уринмайди. Борни борича, ортиқча замзамаларсиз, «гард»лардан тозалаб тасвирлайдики, дарҳол диққатни ўзига жалб этади: «... битта бўлса ҳам ҳақиқий, ўз муҳлисига эга актёр чинакам бахтиёр санъаткордир», «Баҳордаги лоқайдга ҳақдек потраб кетган кўшиқлар», «образларнинг ҳар бири умрининг бир бўлаги, қалбининг бир парчасидир».

Гулчеҳра опа ҳар бир қаҳрамонининг кўпчиликдан нихон қирраларини очиниша, бошқа ра- курсдан туриб тасвирлашга инти-



дайти. Шунга жавоб бера олмадим, журналист касбини, касби эса журналистни такомиллаштиришдан тўхтайдми.

Гулчеҳра Умарова суҳбатдошини унинг ўзига билдирмаган ҳолда интервьюга тайёрлайди, респондентига маъқул, қадрдон қайфиятини ярата олади, унда журналист эмас, инсон сифатида ижобий таассурот уйғотади. Чунки шу ҳолдагина суҳбатдош тўла очилади, самимий бўлади, кўнглидаги гапларни бемалол айтиди. Журналист гурундошини ўзига жалб эта олмас, суҳбат қуруқ ва рангсиз бўлиб қолади. Гулчеҳра опанинг ҳар бир мақоласида шунга гувоҳ бўлиш мумкин – у жуда яхши ҳамсуҳбат сифатида рўпарасидаги ки-

шини беихтиёр ўзига маҳлиё этади. Муаммо ҳақида сўзлаш, танқид қилиш осон. Бу ҳозир ҳатто русумга айланиб бораётди. Аммо муаммонини шунчаки тилга олиш билан иш битмайди. Унга ечим топиш керак. Бунинг учун эса сабабларини аниқлаш шарт. Гулчеҳра опа фақат босма нашрларда эмас, балки телевидение ва радиоканалларда ҳам жуда фаол. Ҳар бир чиқишида албатта одамларни қийнаётган масалани тилга олади, илдишларини қидиради, ҳал этишга уринади. Шунчаки сўзлаш билан чекланмайди.

Гулчеҳра опа инсон руҳиятини пухта ўрганган. Ҳозирги ғалаба ёки йўқотишлар ортида ҳаммиша ўтмиш туришини билади ва ишни «мозийга қайтмоқ»дан бошлайди. «Китоб ўқимаган одам яхши куйлай олмайди» мақоласида қаҳрамон санъаткорнинг ўтмишига мурожаат қилади. Болалик кўтончилари, оилавий шароити, энг катта орзуси, илк қадамидаги қоқилишлари ютуқлар, армонлари билан танишади. Ва шу тариха бизга ўз қаҳрамонини сўйдиради, уни қадрдонимизга айлантиради:

«Озодбек дастлаб миллий чолғулардан бирортасини ўрганмоқчи бўлди. Мусиқа мактаби пулли эди. Оилада кўпчилик бўлгани учун Озодбек уйдасиларга бу ҳақда оғиз очганини истамасди. Ўзи яширинча мусиқа мактабига бориб, синфга кирарди-ю, охириг партага ўтириб оларди».

Журналист қизиқувчан, тасаввури кучли,

қатъиятли, ҳамдард, таъсирчан бўлиши керак. Буларсиз ҳам мақола ёзса бўлаверади, аммо у ўқишни чиқмайди. Гулчеҳра опада бу сифатларнинг барчаси мужассам. У кўл урган мавзусини синчиқлаб астойдил ўрганади, энг ички жиҳатларига ҳабардор бўлишга, ўша соҳага оид атамаларни қўллашга интилади:

«Римма Аҳмедова овоз берган ролларнинг қай бирини кўздан кечирмайлик, уларнинг барчасидаги овоз тебранишлари, бетакрор интонациялар кишини ҳайратга солади. Римма Аҳмедова овозининг тинчлиги, ёқимлилиги, кенг диапазонлилиги, эзулвчанлиги, драматик образларга хос бўлган ички дардни дубляж санъатининг актёр учун ягона воситаси – овоз орқали бера олиш хусусияти «Яшил карета» бадиий фильмидаги крепостной театр актрисаси Варвара Асинкова образида янада яққолроқ намоён бўлади». (Сўз юритилаётган тўпландан иқтибос).

Яна бир муҳим жиҳат – журналист фаолиятида касбий маҳорат ва кўникмадан ташқари, шахсий фазилатлар ҳам муҳим саналади. Истаган киши ўқиб, журна-



лист дипломига эга бўлиши мумкин, аммо, ҳақиқатан ҳам, етук мутахассисга айланиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Унинг жамиятдаги ўрни беқийёсдир, бу шараф бўлиш билан бирга маънавий масъулият ҳам демакдир. Гулчеҳра опа буни чуқур ҳис қилади. Ҳамиша шахсий ҳаётида журналист деган номга доғ туширмастикка, касбий фаолиятида эса, ИНСОН эканини унутмасликка интилади. У касбининг барча қирраларини билади, шов-шув учун чегарадан чиқмайди, ўзгалар шахсий ҳудудини ҳурмат қилади. У ўз устида мунтазам ишлаб, маҳоратини такомиллаштириб боргани учун ёзганлари сифати ва қизиқарлидир. Ўқувчиларини (аудиториясини) тўғри ва тўлиқ тасаввур қилиши, маълумотларни йиғи олиши ва улар билан ишлаши, далилларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириши, улардан ўринли фойдаланиши, кези келганда, илмий тадқиқотчи, кези келганда эса, искувар бўлиши, қизиқарли баён эта олиши, мавзу қанчалар ўткир, оғрикли ва долзарб бўлмасин, ахлоқ чегараларидан четга чиқмаслиги Гулчеҳра опа Умаровани ҳурмат ва ҳавасга лойиқ ижодкорга айлантирган. Мақолалари ҳар бир гишти маҳорат билан териб чиқилган бино каби пишиқ-пухта чиқади.

Эътибор бердим: опанинг қаҳрамонлари куюнчак, бошқалар ташвишини ўз дарди сингари қабул қилувчи, шахсий манфаатини энг охирига қўювчи, ишини мукамал эгаллаган мутахассислар бўлади. Худди Гулчеҳра опа каби. Яхши одам яхшиликни оҳанрабо каби ўзига тортти туришига яна бир бор амин бўлдим. Кимни эътироф этганига, нимадан ҳайратлангани ёки завқлангани, изтиробга тушганига қараб, кишининг фитратини билиб олиш мумкин.

Санъаткор билан суҳбатлашганда санъатшунос, муассавир билан суҳбатда ранглар ўйинини нозик илғайдиган рассом, мумтоз ашулалар ҳақида гап кетганда мақомнинг тарихи, миллий маданиятимизда тугган ўрни, бошқа йўналишдаги куй-қўшиқлардан фарқини чуқур биладиган хонанда каби соҳа мутахассислари билан тенг мунозара юрита олувчи Гулчеҳра Умаровани «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» китоби билан қўтаймиш. Бу тўплам нафақат муаллиф, балки барча ўқувчилар учун ҳам яхши совға бўлди.

Умидимиз, шундай асарлар кўпайсин. Чунки улар жамият аталмиш бино мустаҳкам, умри узоқ ва тоза бўлишига хизмат қилади.

Мухайё Йўлдошева, «ISHONCH»



Офтобда қолган СУВ

обиҳаётми ёки обизаҳар?

Аслида суҳбатдошим билан бутунлай бошқа мавзуда гаплашмоқчи эдим... Бирок **тиббиёт фанлари фалсафаси, болалар невропатолог**и Зоҳиджон Исмоилов қабулга киришин билан у кўлимдаги елим идишдаги газли ичимликка кўзи тушгач, савол берди:

- Сувни қаердан олдингиз?
- Дўкондан.
- Муздаймиди?
- Муздай ичмайман, ўртача эди.

– Яхши. Ҳозирги иссиқ кунларда имкон қадар кўчага чиқмаслик, соя-салқин жойларда юриш, кўпроқ суюқлик ичиш керак. Бу нарсаларни унутмаёймизу, аммо бир ҳолатга ҳеч ким эътибор бермайпти. Йўлларнинг четида, бозорларда чанқоқбости ичимликларни кўтара сотаётган дўконлар кўп. Ўша дўконлар олдида турли ичимликлар 40-45, ҳатто 50 даража иссиқда, офтобнинг тиғида қалашиб ётибди. Энди тасаввур қилинг, ҳаттоки оддий сув ҳам бунақанги иссиқда, яна полиэтилен идишда ўз таркибини ўзгартириб юборади. Иссиқда «кўйиб-пишиб» ётган газли ичимликлар, турли кимёвий қўшимчалар қўшилган рангли сувлар, энергетик ичимликлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Тўғри, кўпчилигимиз дўконлардаги музлатгичда турган салқин ичимликларни олиб ичамиз. Лекин бу ичимликлар дўконга етиб келгунга қадар кўчада, офтобда неча кунлаб турган бўлади. Мен кўп эътибор бердим ва кузатдим. Ўшарасавдо қиладиган дўконларнинг олдида сувлар оддий мато билан шунчаки ёпиб қўйилган. Жазирага иссиқда турган сув заҳарга айланади. Ичимликларни ана шундай ҳолатда сақлаётганларга жиддий чора кўриш керак. Сабаби улар қилаётган ишнинг салбий натижаси 20-30 йилдан кейин билинади – ген ўзгариб кетади. Тўғри, ёшидаги ва ҳомиладор аёллар дўконлардан ана шу салқин ичимликларни олиб ичяпти. Афсуски, музлатгичга етиб келгунча бу ичимликлар сақлаш қоидаларига амал қилинмагани учун ўз таркибини ўзгартириб улгурган бўлади. Бунинг оқибатида эса болалар психологик, неврологик ўзгаришлар билан, танада нуқсонлар билан туғилапти. Болалар ўртасида ошқозон-ичак касалликлари, жигардаги ўзгаришлар ва онкологик касалликлар кўпайиб кетаяпти.

Ота-оналар «Нега бундай бўляпти, биз эр-хотин қариндош эмасмиз, уйим тинч, асабийлашмиш йўқ, боламиз эса...» деб кўп савол беришади. Боя айтдим, сақлаш қоидаларига амал қилинмаган ичимликларни ҳаммамиз ичамиз, лекин унинг аянчилик асорати ҳақида ҳамма ҳам билмайди. Мен Тошкент тиббиёт академиясидан чиқиб, уйга кетаётганимда йўл юзиде тахлаб ташланган ичимликларни кўрганимда, ичимда бир дард уйғонади, буни тушунтириб беролмайман. Бир-

гина юпанч шуки, яхшиям болаларим «рангли» ичимликлар ичимайди. Лекин сув ичилади...

Ҳозир клиникаларга борсангиз, касаллар навбат кутиб турганини кўрасиз. Айнан ёзда болалар шифоналарида жой йўқ, Бунга сабаб нима? Асосий сабаблардан бири – иссиқда сақланган сувлар! Афсуски, нотўғри сақланган ичимликларни ичиб, заҳарланаётганимиз билан бировнинг иши йўқ.

Ичимлик ишлаб чиқараётган компанияларга нисбатан ҳеч қандай адоватим йўқ. Менимча, улар маҳсулотлари қандай ҳолатда аҳолига етиб келаётгани ва таркиби ўзгариб кетаётганини билишмайди. Агар билишганда, бу нарсанинг олдини олган бўлишарди. Катта юк машиналарда заводида чиққан ичимликлар офтоб тиғида қолишини ҳам улар билишмас керак.

улғаймоқда. Организмда турли ўзгаришлар бўлаверади. Бепуштлиқ кўпайяпти, касалликлар ёшаряпти... Бу ҳозирча! Балки кейинчалик бу ҳолатлар тартибга солинар, аммо унгача асосий қатлам заҳарланиб бўлади. Мен тарихни яхши биламан. Ва яна шуни биламанки, узоқ йиллар давомида бизнинг устимиздан самолётларда сепилган турли-туман заҳарлар таъсирида генимиз бузилган. Биз пахта далаларида пастлаб учган самолётларни кўрганимиз. Ҳозирги авлод буни билмайди. Ўшанда бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмаган. Аммо ҳозир-чи? Нега билсак-да, кўрсак-да, бу фожeanинг олдини олмаймиз!

Энг қизиги, ўша чанқоқбости ичимликларнинг ёрлиғига «салқин жойда сақлансин», деб ёзиб қўйилган. Лекин ҳаммаси кўчада. Мана, фожea! Ҳозир 3-4 ёшли болалар шу ичимликни



ичяпти. Орадан 20 йил ўтгач, улар ота-она бўлишади. Улардан қандай фарзданлар туғилади ва улар қандай интеллектуал салоҳиятга эга бўлади? Ахир ген бузилган бўлади-ку!

Батзи масала ва мавзуларни гапирётганда инсонда иккилашиш бўлиши мумкин. Аммо аччиқ ҳақиқат шуки, бу масалада, бу мавзуда мен адашмапман.

– **Ота-оналар билан сув батлашганимиздан шу мавзу ҳақида ҳам гап очиладими?**

– Албатта. Аммо фойдаси йўқ. Уларга иссиқда қолган ичимликнинг зарарини айтсам, «боллам яхши кўради, бошқа нарсага кўнмайди», дейди. Ана шу кўзга кўринмайдиган ажал ҳаммани заҳарляяпти.

– **Демак, кўчада сотиладиган чанқоқбости ичимликларни умуман ичмаслик керакми?**

– Мен умуман ичманглар, демайман. Зотан, бунинг иложи ҳам йўқ. Шунчаки, тадбиркорларга тушунтириш керакики, ичимликлар иссиқда сақланмасин. Бу мавзуда ҳеч ким жим ўтирмаслигига керак. Ҳамма баравар курашсагина, албатта, натижага эришамиз!

Кўпчилик, шу жумладан, журналистлар ҳам йўл четларида уюлиб турган сувларни кўрганда шунчаки ўтиб кетишарди. Лекин бу шунчаки ўтиб кетадиган муаммо эмас! Яна бир бор таъкидлайман, бу жуда катта муаммо! Уни ҳал этиш учун қалбида миллион яхши кўриш туйғуси бўлган ҳар бир инсон жон куйдириши керак. Агар ўшандаям бу ҳолат дарвом этса, унда офтоб тиғида туриб қолган ичимликларни сотишга қаршилик қилиш, йўл қўймаслик керак. Бугун тадбиркор фақат чўнтагини уйлоса, бошқалар эса «менга нима» деса, оқибати нима бўлади? Буни ҳозир англашимиз шарт! Ўз саломатлигимиз ва келажакка лоқайд бўлмайлик!

Ўзбекистон иқлими иссиқ мамлакатлардан бири. Шунинг учун салқин ичимликлар доим ва кўп ичилади. Шундай экан, ичимликларнинг сақланиши кучли назорат қилиниши зарур.

– **Сизнинг мулоҳазаларингизни эшитиб, менда ҳавотир уйғонди. Иссиқда қолиб, таркиби ўзгарган ичимликларнинг бугунги салбий оқибатлари ҳақида гапирясиз. Мен 10-20 йилдан кейинги ҳолатни тасаввур қилиб, қўрқиб кетяпман. Агар қисқасига мuddатда шунчаллик асорати бўлса, кейинчалик...**

– Бугунги ёш болалар ўша заҳарланган ичимликларни ичиб,

Суҳбатдош: Зейна РАЖАБ ҚИЗИ

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯГОНА МАНБАИ ВА МУАЛЛИФИ –

Муносабат

ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ҲОЯ

Конституциямизнинг 90-моддасига таклиф этилаётган Президент ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш масаласи, менимча, жуда ўринли. Чунки 5 йиллик муддат Президент сайловолди дастурларини тўла-тўқис амалга ошириши учун камлик қилаётгани мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсий тажрибасидан ҳам аён бўлмоқда.

Дейлик, Президентликка номзодлар мамлакатда яқин беш йилда амалга оширилиши лозим бўлган жуда кенг кўламли ислохотлар дастури билан чиқадилар. Чунки ҳал этилиши зарур муаммолар ва ҳатто бутун бошли соҳаларни тубдан янгилаш зарурати аллақачон пишиб етилган. Ўзбекистон каби жадал ривожланаётган давлатларда барча жабҳаларда, хусусан, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларда бир вақтнинг ўзида улкан ислохотлар амалга оширилишининг сабаби шунда.

Бинобарин, маълум бир муқим тизимга эга Европа мамлакатларидан фарқи ўлароқ, кўпгина давлатларга Президент ваколати муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш фойда келтирса, келтирадими, асло зарар қилмайди. Масалан, Президентнинг 7 йиллик ваколат муддати ҳозир Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Италияда амал қилади. Бу Президентга ўз олдига қўйган мураккаб вазифаларни ижобий ҳал этиши, мамлакатни янада ривожлантириши, аҳоли фаровонлигини ошириши борасидаги ишларни самарали яқунлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент ваколатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш таклифи айрим шахслар, жумладан, Президент имтиёзларини кенгайтиришни эмас, авваломбор, жамият манфаатларини кўзлайди.

Эсон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Қашқадарё вилояти
кенгаши раиси маслаҳатчиси

Халқ ва давлат учун Конституция нима? Нима учун бугун биз бирлашиб, бир бутун халқ бўлиб «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашяпмиз? Далил керак бўлса, марҳамат: Конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамаси эътиборига ҳавола этилган сана, яъни 25 июндан то 21 июлга қадар жами 88 515 та таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Бу фаоллик мамлакатимизда сўнгги 6 йил ичида амалга оширилган ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотларга ишонч, сўз эркинлиги, шаффофлик ва ниҳоят, катта-ю кичик амалдорлар халқнинг муаммо ва ташвишларига қўлоқ тутта бошлагани, «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган сиёсатга хайрихоҳликдан сув ичаётганидан далолат эмасми? Қолаверса, бугун халқ муҳокамасидан ўтаётган Конституциявий қонун лойиҳаси Ватанимиз тақдири ва келажаги учун ҳоҳишманд муқим аҳамиятга эга масала эканини жуда кўпчилик тегран тушуниб турибди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ СИНГАЁТГАН БОШ ҚОМУС

Жаидарчасига айтганда, Конституция – ҳар бир давлатнинг паспорти. Унда халқларнинг эзгу орзу-умидлари, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллари, давлат тутуми, дунёга, ўзи яшаб турган жамиятга нигоҳи, бугунги ва эртаси акс этади. У догма эмас, балки ҳаракат учун ҳуқуқий дастурдир! Жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Бусиз адолат ҳам, тартиб-интизом ҳам бўлмайди, бошбошдоқликка йўл очилади. Конституция шундай бир эҳтиёж, у давлатнинг, жамиятнинг, халқнинг, шахснинг мавжудлиги учун, тинчлик, барқарорлик учун, юртинг келажаги учун жуда муҳим!

Бундан салкам 30 йил муқаддам қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида оёққа туриши, мустақам давлат бўлиши, 90-йилларнинг оғир қийинчиликларидан эсон-омон ўтиб олиши, кейинги йиллардаги ривожланишига беқиёс хизмат қилди. Салкам ўттиз йил мобайнида диёримизда яшовчи халқлар бирдамлигини, давлатнинг сиё-

ўтган даврлардаги тараққиётимизда тутган ўрни, кадр-қимматини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмайди – ҳамиша ўзгаришда. Худди шунингдек, ҳар қандай конституцияни ҳам тугал деб бўлмайди. Асосий қонунга ҳуқуқни қўллаш амалиётидан, жамиятда, қолаверса, дунёда рўй бераётган турли жараёнлардан келиб чиқиб, тузатиш

нинг мустақам пойдевори барпо этилаётгани исботидир.

Аммо дунё тарозиси ҳам кун сайин, ой сайин, йил сайин ўзгариб бормоқда. Таҳликали замонда янги жараёнлар, таҳдидлар муаммолар буй кўрсатмоқда. Бир томондан давлатимиз раҳбари бошлаган туб ислохотлар самараси ва бу ислохотларни янада чуқурлаштириш зарурати,

Аслини олганда, амалдаги қонунчиликка кўра, парламентнинг ўзи ҳам конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин давлат раҳбари конституциявий ислохотни фуқаролар, оддий халқ фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга ошириши маъқул кўрди. «Бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ конституцияси бўлади, деб ўйлайман. Бу «конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир» деган тамойилга тўла мос келади», дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

ва қўшимчалар киритиш мумкин ва баъзан ўта зарур ҳамдир.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон – олти йил аввалги Ўзбекистон эмас. Ўтган қисқа фурсат ичида жамиятимиз, ҳаёт тарзи-

иккинчи томондан, дунёдаги ва ён-атрофимиздаги таҳликали вазият мамлакатимиз тараққиётининг барча йўналишларини уйғунлаштириш, тизимлаштириш, тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Янги Ўзбекистонни замон билан ҳамнафас бўла оладиган, янгиланган Конституция билан қуриш мантиқан жуда тўғри қадамдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув чоғида бу масаланинг қанчалик муҳимлигини таъкидлаб экан, шундай деди: «Албатта, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди.

Олти йил олдинги халқимиз билан бугунги юртдошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ бор. Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини уйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда.

Бу ўринда табиий саволлар туғилади. Мана шундай ҳал қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай?

Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради? Бу саволларнинг барчасига жавобни пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттириш – давр тақозосидир».

Учрашувда давлатимиз раҳбари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, «Ўзбекистон – ижтимоий давлат»,

эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Бу нафақат мамлакат эртасини ўйлаётган раҳбарнинг, балки бутун халқнинг ўй-хаёлидан, юрагидан ўтаётган орзу-ниятлардир. Давлат раҳбари янгиланган Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиш ҳамда референдум ўтказиши йўли билан қабул қилишни таклиф этди.

Аслини олганда, амалдаги қонунчиликка кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин давлат раҳбари конституциявий ислохотни фуқаролар, оддий халқ фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга ошириши маъқул кўрди. «Бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб ўйлайман. Бу «Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир» деган тамойилга тўла мос келади», дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

«Биз ишлашга – иши, яшашга – уйи бўлган, фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётдан мамнун, дастурхони тўкин, оиласи бахтиёр ва фаровон яшайдиган давлат қуришни мақсад қилганмиз. Биз ана шундай буюк ишлар арафасида турибмиз. Кучли иқтисодий барпо этиб, дунёда муносиб ўрни-мизни эгаллашимиз, халқимизга юксак шароитлар яратиш учун ҳам жуда кўп ишларни биргаликда амалга оширишимиз керак.

Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир!

Мен бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақираман. Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят мураккаб шароитда бундай улкан ислохотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди. Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!» деди давлат раҳбари.

Бу – Янги Ўзбекистоннинг мустақам ҳуқуқий кафолатини яратиш борасидаги дастлабки катта қадам. Навбатдаги қадам ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлган Конституцияни қабул қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, амалдаги қонунчилик базасини янгиланган Конституцияга мослаштириш бўлади. Табиийки, бу жараённинг аҳамияти ҳам Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан асло кам эмас. Зеро, давлатнинг, халқнинг барча орзу-умидларини Асосий қонунда мустақамлаб қўйиш бошқа, уни дастуриламал билан, ҳаётга татбиқ этиш бошқа масаладир.

Албатта, ҳали кўпчиликнинг турмушини яхшилаш учун мамлакатимизда ҳал этилиши керак бўлган муаммолар, қилиниши керак бўлган ислохотлар анчагина. Аммо дунёнинг қайси давлатида муаммолар йўқ? Бугунги кунимизнинг энг катта ютуқларидан бири – биз ана шу муаммоларни тилга олишга, уларнинг ечимини излашга имкон топяпмиз. Ўз ютуқ ва камчиликларини англаган, инсон қадрини улуғланган келажакни ҳадафлаган халқ эса, шубҳасиз, тўғри йўлдан адашмайди!

Барқарорлик, хавфсизлик, фаровонликни ва одамлар учун муносиб ҳаётни фақат тараққиёт орқали, фақат биргаликда ва фақат ўзимиз таъминлай оламиз. Мамлакатимиз суверенитети, келажакдаги ютуқ ва марраларимиз масъулиятимиз, самимий ва тантанаварлигимиз, ғамхўрлигимиз, унинг тарихи, маданияти, тили, урф-одатларини ҳурмат қилишга таянади.

Бугун биз ўзимиз яшаб, меҳнат қилаётган, фарзандларимиз ҳамда келгуси авлодларга мерос қолдирмоқчи бўлган мамлакат Конституциясини яратяпмиз. Бу Конституция фақат қўғозларда эмас, балки амалда ўз ифодасини топиши эса нафақат сиёсий элитага, балки ўзини шу Ватан билан боғлаган, унинг бугунги ва келажакдаги дахлдор деб билган ҳар бир ўзбекистонликка боғлиқ!

Жаҳонгир
НАҲАНОВ,
«ISHONCH»



сий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаб, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ифодалаб келди.

Амалдаги Конституциянинг

миз, одамлар тафаккури, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар юз берди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқлик, шаффофлик ва адолатга асосланган сиёсати нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ва энг асосийси, бу жараён ортага қайтмас тус олди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бугун Янги Ўзбекистон

ХАЛҚДИР!

Умумхалқ муҳокамаси қизғин давом этаётган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан нафақат фуқаролар, балки ташкилот ва муассасалардан ҳам Конституциявий комиссияга кўплаб жамоавий таклифлар келмоқда.

Жамоавий таклифлар, асосан, парламент палаталарининг турли қўмиталари, партиялар фракциялари, вазирлик ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари томонидан юборилмоқда.

Бундай жамоавий таклифларнинг ўзига хослиги нимада?

Биринчидан, бу хатларда Конституциявий қонун лойиҳасининг барча моддалари бўйича имкон қадар тизимли таклифлар жамланган.

Иккинчидан, таклифларнинг изчиллиги ва ўзаро уйғунлиги таъминланган бўлиб, улар деярли бир-бирини инкор этмайди.

Учинчидан, таклифлар ҳам тегишли тор соҳа мутахассислари, ҳам малакали ҳуқуқшунослар экспертизасидан ўтказилгани туфайли нисбатан аниқ ва пишиқ-пухта шаклдадир.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, Конституциявий комиссия таркибида фаолият олиб бораётган қонун ижодкорларининг катта ҳажмдаги ва машаққатли ишларини бир қадар енгиллатишга хизмат қилади.

Шу ўринда Конституциявий комиссияга яқинда келиб тушган иккита жамоавий таклифнинг мазмун-моҳияти ҳақида мухтасар сўз юритамиз.

Булардан бири – Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосасидир. Ушбу «Хулоса» Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан тақдим этилган.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасида Асосий қонуннинг 37-моддаси янги тахрирда берилган бўлиб, бешта янги банд қўшилмоқда. Хусусан, айти шу модданинг 3-банди куйидаги нормадан иборат:

«Ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади».

«Хулоса»да қайд этилишича, **«Ушбу нормада боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан устун ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан, гендер тенгсизликни келтириб чиқариши мумкин».**

Бу фикрнинг ҳуқуқий тасдиғи сифатида Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенцияси талабларига таянган. Ҳақиқатан ҳам, мазкур Конвенциянинг 1-моддасига кўра, камситиш – бу меҳнат ёки иш турлари соҳасидаги муомала ёки имкониятлар тенглигининг йўқолишига ёки бундай тенгликка путур етказилишига олиб келувчи фарқлаш, чеклаш ҳамда устун қўйишлардир.

Миллий қонунчилигимизда, хусусан, сайлов тўғрисидаги қонунларда хотин-қизлар орасидан номзодлар сайловларда кўпроқ кўрсатилишини рағбатлантириш учун квота ажратишга қаратилган «камситиш»ли нормалар мавжуд бўлиб, жаҳон қонунчилиги амалиётида улар «ижобий дискриминация» деб юритилади. Шунга қарамай, Конституциявий комиссия учиб таклифни асосли ва чуқур ўрганиб чиқишига аминимиз.



Жамоавий таклифларнинг ўзига хослиги нимада?

туциявий комиссия ушбу таклифни асосли ва чуқур ўрганиб чиқишига аминимиз. «Хулоса»даги кейинги таклиф Конституциявий қонун лойиҳаси 37-моддасининг 4-бандига тааллуқли. Ушбу бандда шундай дейилган:

«Ҳар бир ишловчи аёл ҳомилдор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган таътилга ҳамда янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш учун таътилга ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эга».

«Хулоса»да изоҳланишича, ушбу норма амалдаги миллий қонунчиликка мос келмайди. Янада аниқ қилиб айтганда, айти шу конституциявий нормада кўзда тутилмаётган ҳуқуқий кафолатлар Меҳнат кодекси ҳамда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳақида имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунда нисбатан кенгроқ қамровга эга.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 234-моддасида болани парваришlash учун таътиллрдан отаси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган. Кодекснинг 235-моддасига мувофиқ, янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган, яъни болага васий этиб белгиланган шахсларга ҳам нафақа тўлаган ҳолда таътил берилиши ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга киргунча қўшимча таътиллр берилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳақида имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам, ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Конституциявий қонун лойиҳаси 37-моддасининг 4-бандидаги янги нормада эса ушбу имкониятлар кўлами парваришlash учун таътиллрдан «ҳар бир ишловчи аёл» фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда, холос.

Бу, ўз навбатида, мазкур конституциявий нормада халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликда мустақамланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари таъминланиши зарурлигини кўрсатиб турибди. Ишончимиз комилки, Конституциявий комиссия бу ҳолатни ҳам инобатга олади.

«Хулоса»да Конституциявий қонун лойиҳасига фақат танқидий-таҳлилий таклифлар билдириш билангина чекланмаган. Аксинча, айрим нормаларга ижобий баҳо берилган ва уларнинг аҳамияти ҳуқуқий негизда талқин этилган.

Жумладан, «Хулоса»да қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳасининг 63-моддаси 2-бандидаги норма: **«Никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқчилигига асосланган эътирофга лойиқ. Чунки амалдаги Асосий қонуннинг худди шу нормаси аниқ баён этилмагани боис ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқараётган эди.**

Лойиҳада никоҳ томонлари аёл ва эркак эканига аниқлик киритилган. Натияжада, турли баҳсларга замин яратаётган масала ижобий ҳал этилган.

Яна бир эътироф: амалдаги Конституциянинг 65-моддасида фақат оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши кўзда тутилган. Конституциявий қонун лойиҳасида эса 63-модданинг 3-бандидаги норма қуйидагича: **«Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».**

Яъни мазкур конституциявий норма гендер тенглик талабига мувофиқлаштирилган. Натияжада, «Хулоса»да қайд этилганидек, ота-онанинг тенг ҳуқуқлиги ва оилавий муносабатлар тенглигини таъминлашга ҳуқуқий имконият яратилмоқда.

Конституциявий комиссияга келиб тушган эътиборга лойиқ жамоавий таклифлардан яна бири – Конституциявий қонун лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказиш бўйича таққослаш жадвалидир. Бу ўринда лингвистик экспертиза, Конституциявий комиссия сўровига асосан, Атамалар комиссияси ҳузурдаги етук тилшунос олимлар иштирокида тузилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Таққослаш жадвали» – 31 бетдан

иборат низоҳатда салмоқли ҳужжат. Унда Конституциявий қонун лойиҳасида қўлланган юридик жумлалар ўзбек адабий тилининг расмий иш услуби қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинган ва зарур ўринларда тегишли сўз ҳамда ибораларнинг талабга мос шакллари тавсия этилган.

Мисол учун, «Таққослаш жадвали»да Конституциявий қонун лойиҳасидаги (умуман, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам баъзан учрайдиган) «қўлланади» сўзини – «қўлланади», «норма» сўзини – «меъёр», «умум эътироф этилган» иборасини – «умум эътироф этилган» шаклида ёзиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳанинг 26-1-моддаси охири бандидаги: **«... тинтув ўтказиши ёки кўздан кечириши амалга оширишга ҳақли эмас»** деган жумлани қуйидаги: **«... тинтув ўтказишга ёки кўздан кечиришга ҳақли эмас»** тарзида янги тахрирда бериш сўралмоқда. Чиндан ҳам, бундай ёндашув давлат тилининг расмий иш услуби қоидалари, талаби, қолаверса, юридик тил ифода услубининг ҳам талабидир.

Бинобарин, таклиф этилаётган жумлада конституциявий қоида ни ифода этишда ихчамликка амал қилинган. Яъни 9 та сўздан ташкил топган аввалги тахрирдаги матнга нисбатан янги матнда 2 та сўз тежалган.

Албатта, «Таққослаш жадвали»да миллий қонунчилик тили учун махсус жорий этилган айрим қоидалар инобатга олинмаган таклифлар ҳам учрайди. Масалан, тилшунос экспертлар **«халқ депутатлари Кенгаши»** иборасида **«Кенгаш»** сўзини барча ўринларда кичик ҳарфда ёзиш зарур, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, қонунчилик тилида «Кенгаш» сўзини бош ҳарфда ёзиш юзасидан алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинган.

Энг муҳими, Конституцияга киритиш тавсия этилаётган янги қоидаларни онгу тафаккур билан чуқур мушоҳада этиб, қалб тарозисидан ўтказиб, холис ва ҳаққоний асосда билдирилган бу каби таклифлар янгиланган Асосий қонунимизнинг мукамаллигини таъминлашга, унинг том маънодаги халқ Конституциясига айланишига қаратилган.

Абди РАҲИМ, журналист



Сурхондарё вилояти

Мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш инсондан куч-қувват ва ақл-идрок талаб қилади. Айниқса, айти пайтда эл муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу дахлдорлик ҳисси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, халқ Бош ҳуқуқий қомусимизни қанчалик кенг ва атрофлик муҳокама қилса, шунча мукамаллик касб этади. Шу боис юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ушбу жараёнда фаол иштирок этиши зарур деб ҳисоблайман.

Таклиф ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲУҚУҚИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ КОНСТИТУЦИЯДА КАФОЛАТЛАНИШИ КЕРАК

2022 йил 24 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасини кузатдим. Бўлиб ўтган муҳокама-лар менда ан-ҳайин қизиқиб уйғотди. Ростини айтсам, мени ҳам қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар қўйиб келарди. Бугун шунга амин бўла-пманки, ўзгартиш ва қўшимчалар киритила-ётган қонунда инсонларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ўз аксини топган.

Президентимизнинг «Эсингизда бўлса, Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозим-ларга тайинламас-лик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди.

Дарҳақиқат, инсон маълум бир соҳада етук мутахассис бўлса-ю, нега жамиятимиз унинг бу иқтидоридан фойдаланмаслиги керак?

Президентимизнинг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди.

Нима сабабдан бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз «тизим»дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатағонларнинг ўзи етарли эмасми?! Шу боис, Конституция-мизга «Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқади-ган ҳуқуқий оқи-батлар унинг қар-и н д о ш л а р и н и чеклашга асос бўлиши мум-кин эмас», деб қатъий ёзиб қўй-ишимиз керак», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди.

Дарҳақиқат, инсон маълум бир соҳада етук мутахассис бўлса-ю, нега жамиятимиз унинг бу иқтидоридан фойдаланмаслиги керак? Президентимизнинг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз «тизим»дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатағонларнинг ўзи етарли эмасми?! Шу боис, Конституция-мизга «Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқади-ган ҳуқуқий оқи-батлар унинг қар-и н д о ш л а р и н и чеклашга асос бўлиши мум-кин эмас», деб қатъий ёзиб қўй-ишимиз керак», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди. Дарҳақиқат, инсон маълум бир соҳада етук мутахассис бўлса-ю, нега жамиятимиз унинг бу иқтидоридан фойдаланмаслиги керак? Президентимизнинг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз «тизим»дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий қатағонларнинг ўзи етарли эмасми?! Шу боис, Конституция-мизга «Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқади-ган ҳуқуқий оқи-батлар унинг қар-и н д о ш л а р и н и чеклашга асос бўлиши мум-кин эмас», деб қатъий ёзиб қўй-ишимиз керак», деган фикрлари мени жуда тўқинлантирди.

Чори ЧўПЎЛТОВ, Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон» фермер хўжалиги бошлиғи

Тошкент конференцияси Ўзбекистон дипломатиясининг



Ўзбек ва афгон халқлари минг йиллар давомида маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюк

Сўнгги беш йилда Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласидаги позицияси бутунлай янги мазмун билан бойиди. Ушбу мамлакатда тинчлик ҳамда иқтисодий ривожланиш барқарор бўлиши учун Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги ва прагматик ташаббуслар, улкан лойиҳалар амалга оширилди бошланди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари ўтказилган «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш» мавзусидаги халқаро конференция ўз нуфузи ҳамда мавқеи жиҳатидан бу йўналишдаги эгу саъй-ҳаракатларнинг янги даврини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Конференция ишида Европа, Америка қитъалари, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, етакчи таҳлилий марказлар вакиллари ҳамда Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этди.

Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш, кўп миллатли Афғонистон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишдан иборат.

Халқаро конференцияни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов очиб бераркан, Афғонистон ҳукумати олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг конференция иштирокчиларига мурожаатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили, Президент хузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосари Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амирхон Муттақий ўз мамлакатидagi барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик гарови эканлиги алоҳида ургу берди.

Анжуман янги мажлиси давомида хорижий экспертлар томонидан турли таклифлар, ташаббуслар илгари сурилди, мавзуга оид маърузалар тингланди. Хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга кўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида яқдил фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман дастурига мувофиқ, турли долзарб мавзуларга бағишланган секция учрашувлари ҳам ўтказилди. Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган гуманитар ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар тақдими намойиш қилинди.

Хусусан, халқаро конференциянинг «Иқти-

содиётнинг тикланиши – Афғонистонда тинчлик ва оқсоқликнинг мустақкам асосидир» шўба йиғилишида узунлиги 750 км. бўлган «Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешавор» темирйўлини қуриш лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

«Боштранслоиҳа» АЖнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳа 1200 дан ортиқ сунъий иншоотларни, шу жумладан, 3 туннел, 100 дан ортиқ темирйўл кесими ва 336 кўприкни қуришни ўз ичига олади. Маълумотларда билдирилишича, лойиҳани амалга оширишнинг умумий тахминий қиймати 4,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур лойиҳани рўйбга чиқариш нафақат минглаб янги иш ўринлари яратиши, балки афгон жамаиётининг қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ушбу лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги темирйўл инфратузилмасини боғлайди ва шу билан минтақаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш, ҳудудларо ҳамкорликни мустақкамлашга зарур шарт-шароитлар ва реал имкониятлар яратади.

Шўба йиғилиши давомида Термиз шаҳридаги афгон фуқароларини ўқитиш бўйича таълим маркази ҳамда халқаро ўқитиш функцияли транспорт-логистика маркази фаолияти натижаларининг тақдими ҳам ташкил этилди.

Умуман олганда, Тошкент конференциясига ташриф буюрган таъқиқ хорижий мутахассислар, тажрибали экспертлар мамлакатимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш, хусусан, Афғонистонни терроризм ва урушдан холи тинч, фаровон мамлакатга айлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатини юксак баҳолади.

Тадбир якунида Афғонистон бўйича халқаро конференцияга мезбон давлат баёноти қабул қилинди.

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ АФҒОНИСТОН МУАММОСИ ВА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОЛИГА ЖУДА ЮҚОРИ БАҲО БЕРДИ



Абдулазиз Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили:

– Муҳтарам Президентимиз конференция иштирокчиларига йўлаган мурожаатда қатор муҳим ташаббусларни илгари сурилди. Анжуман иштирокчилари ушбу таклифларни катта қизиқиш билан кутиб олди.

Иштирокчиларнинг барчаси ҳозирги реал вазиятни тан олган ҳолда масалани чуқур ўрганиб, шу асосда ўз фикрларини билдирди. Аввало, биз ҳозир мутлақо бошқа Афғонистон билан муомала қилмоқдамиз. Тошкент конференциясида барча томонлар билан бирга мана шу янги Афғонистонга қандай ёрдам бериш, қай тарика янги лойиҳаларни амалга ошириш мумкин, деган саволлар атрофида фикр алмашдик.

Анжуман иштирокчилари Афғонистон муаммоси ва уни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ролига жуда юқори баҳо берди.

Албатта, бу Афғонистон бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи конференция эмас. Бунгача ўтказилган конференцияларнинг ҳам ўз кун тартиби бўлган. Бугунги анжуман кун тартиби эса мутлақо янги мазмун касб этди. Жумладан, Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амирхон Муттақий конференцияда икки марта сўзга чиқди, кутилмаган ва долзарб саволларга жавоб қайтарди, Афғонистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканлиги маълум қилди.

Албатта, қирқ йиллик уруш сабабли мамлакатда кўплаб муаммолар тўпланиб қолган, аммо биз ана шу муаммоларни ечишга тайёр бўлган янги давлатни кўриб турибмиз.

Бугунги учрашувда томонлар учун оғриқли масалалардан бири, яъни чет элда музлатилган афгон молиявий ресурсларидан фойдаланиш масалалари ҳам АҚШ, ҳам Афғонистон вакиллари томонидан кўтарилган ҳолда муҳокама қилинди.

Бу олдинги кун тартиби тарихда қолганидан далолат беради. Ҳозир Афғонистон олдида турган асосий масалалар – ривожланиш, иқтисодий тикланиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларидир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Афғонистон бўйича навбатдаги Тошкент конференцияси олдингиларидан тубдан фарқ қилди. Бу анжуманда биз янги Афғонистонни қуриш модели муҳокама қилдик. Бу Афғонистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам, халқаро ҳамжамият учун ҳам жуда катта муваффақият бўлди, деб айта олам.

АФҒОНИСТОННИНГ КЕЙИНГИ МАҚСАДИ ДУНЁНИНГ БАРЧА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲУРМАТ АСОСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАМ ҲАМКОРЛИКНИ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ИШТИРОКИДА



Амирхон Муттақий, Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи:

– Ўзбекистон раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан Тошкентда ўтказилган конференцияда 35 киши сўзга чиқди. Уларнинг фақатгина 2 нафари бугунги кунда Афғонистон янги ҳукумати томонидан амалга оширилётган ислохотларни салбий томондан баҳолади. Қолган аксарият маърузачилар Афғонистондаги ижобий ислохотларга эътибор қаратиб, уларни эътироф этди.

Мазкур конференциянинг яна бир муваф-

фақиятли томони шундаки, афгон инқирозига бағишланган аввалги анжуманларда асосан хавфсизлик, эъронлиқни тугатиш ва сулҳ тузишга қақирилган бўлса, бугунги тадбирда Афғонистон раҳнамолигида иқтисодий ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг муҳими, конференция қатнашчилари Афғонистондаги бугунги ҳақиқий вазиятни тўлиқ тушунди. Бу эса ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга асос яратади.

44 йилдан сўнг ва ниҳоят, Афғонистон марказий ҳукумати ташкил топмоқда. Бугун Афғонистон ҳудуди яхлитлиқига марказий ҳокимият томонидан бошқарилмоқда. Бу бошқа мамлакатларга Афғонистон билан алоқаларни ўрнаттишга имкон яратади.

Умид қиламанки, мазкур конференциядан кейин Афғонистоннинг барча музлатиб қўйилган активларини қайтариш имконияти янада ошади.

Яна бир муҳим гап. Афғонистон бундан кейин минтақадаги беқарорлик манбаи бўлмайди. Чунки раҳбарият мамлакат ҳудуди турли террорчи ташкилотлар томонидан фойдаланилмаслигига қафолат беради.

Шу билан бирга, Афғонистоннинг кейинги мақсади дунёнинг барча давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳурмат асосида дипломатик муносабатлар ўрнаттишдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва халқига Афғонистон муаммосини ўз даради деб билгани ҳолда ёндашаётгани, мавжуд муаммоларни мулоқот йўли билан ҳал этиш бўйича махсус майдон яратгани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

44 йилдан сўнг илк бор Афғонистонда марказий ҳокимият ўрнатилди. У халқ вакиллари орқали бутун мамлакат ҳудудини бошқаради.

АФҒОНИСТОН МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ФОРУМ ҲАМКОРЛИКНИ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ИШТИРОКИДА



Маркус Потцель, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича вакили ўринбосари:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш ташаббусини юқори баҳолайман. Анжуман афгон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалалари бўйича халқаро ҳамжамият умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш учун муҳим асос яратади.

Бу галги конференция Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солишдаги муҳим ва ўзгармас ролини яна бир бор тасдиқлаб, Ўзбекистон томонининг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмавий тиклашга қўшган ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилганидан далолат беради.

Халқаро ҳамжамиятнинг асосий мақсади Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш. Бу нафақат афгонлар, балки минтақа ва бутун дунё манфаатига бир-

дек мос келади. Умуман, Афғонистон масаласига бағишланган форум ўтказилишининг ўзи катта муваффақият.

ҲОИДАЛИ ВА АНИҚ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ



Анас Ҳаққоний, Афғонистон Муваққат ҳукумати аъзоси:

– Авваламбор, ушбу конференцияни ташкил этиш ташаббусини кўрсатган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим. Давлатингиз раҳбари анжуман иштирокчиларига йўлаган мурожаатида афгон муаммосини ҳал этиш бўйича жуда фойдали ва аниқ таклифларни илгари суриди.

Бизнинг мақсадимиз Афғонистонни тинч, хавфсиз ва фаровон мамлакатга айлантиришдан иборат. Бу борада барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Афғонистонда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан Афғонистон тўғри фойдаланмоқда. Мамлакатингиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан Афғонистонда темирйўл, энергетика соҳаларида янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро конференция иштирокчиларига мурожаатида ҳам ушбу лойиҳаларни янада ривожлантириш орқали Афғонистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви бўйича аниқ фикрларини баён этди.

Бундан ташқари, бугунги анжуманда таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқлари, хусусан, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди. Афғонистон халқаро ҳамжамият томонидан қўйилган шартларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Албатта, бу жараён маълум вақтни талаб этади. Конференцияда Афғонистон томони ҳам ўз таклифларини халқаро ташкилотлар вакилларига етказди.

Яна бир қарра таъкидлашни истардимки, биз фаровон давлат қуриш, қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни мустақкамлаш йўлида одимлашдан орта чекинмайми.

АФҒОНИСТОННИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ ҲАМКОРЛИКНИ ҲАМ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ИШТИРОКИДА



Фредерик Старр, АҚШ Ташқи сиёсат кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг асосчиси ва раиси:

– Ўзбекистон Афғонистонни барқарорлаштириш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Тошкент ташаббуси билан уюштирилган ушбу конференция ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Вақт ўтиши билан барча мамлакатлар Афғонистоннинг тинч ривожланиши халқаро барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат



ЁРҚИН ҒАЛАБАСИДИР

ёнма-ён яшаб келади. Бизни умумий маданий, аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради



қилиши, мазкур давлат минтақанинг ажралмас қисми эканининг мазмун-моҳиятини янада чуқур англаб етади. Бу эса жафоакш афгон замида тинчликка эришишни тезлаштиради.

Яна бир муҳим масала – бу Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустақамлайдиган транспорт ва логистика маркази сифатидаги тарихий ролини қайта тиклашди.

Умуман айтганда, конференция халқаро жамоатчилик томонидан Ўзбекистоннинг янгиланган минтақавий ташқи сиёсати муваффақиятлари эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

ФРАНЦИЯ АФҒОНИСТОННИНГ ТИНЧ, МУСТАҚИЛ ВА СУВЕРЕН ДАВЛАТГА АЙЛАНИШИНИ ИСТАЙДИ



Бертран Лортолари, Франция Европа масалалари ва ташқи ишлар вазирлигининг Осиё ва Океания департаменти директори:

– Франция Европа Иттифоқи билан биргалликда афгон халқи учун 40 тонна тиббий асбоб-ускуналар ва озик-овқатни ўз ичига олган гуманитар ёрдам ташкил қилди.

Шунингдек, биз ҳозирги пайтда Покистон билан Афғонистондаги зилзила қурбонларига шошилч ёрдам етказиб бериш масаласини мувофиқлаштиряпмиз. Халқаро ҳамжамият афгон халқига берган ваъдаларини амалга оширмакда. Биз Толибон ҳукумати ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ишончини оқлашини истаймиз.

Европалик бошқа ҳамкорларимиз каби Франция ҳам Афғонистоннинг тинч, мустақил ва суверен, ҳуқуқий эркинликлар ҳамда қонун устуворлигини ҳурмат қиладиган, шунингдек, одам савдосидан холи бўлган давлатга айланишини истайди.

Биз афгон халқига ёрдам беришни истаймиз ва бу борада халқаро шериклар ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттираемиз.

ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БАРЧА МАНФААТДОР ТОМОНЛАРГА БИР ЖОЙГА ТўПЛАНИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ



Мунир Маммедзаде, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

– Президент Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг табрик сўзларида Афғонистондаги вазиятни муҳофама қилиш учун платформа яратишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни мавжудлиги қайд этилди. Ўзбекистон Афғонистонда барқарорликни таъминлаш, гуманитар масалалар, инсон ҳуқуқлари, жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари каби халқаро ҳамжамият кун тартибидидаги долзарб муаммоларни ҳал этишнинг изчил тарафдори бўлиб келмоқда.

Бугунги тадбир барча манфаатдор томонларни – халқаро тузилмалар раҳбарлари, Европа Иттифоқи, БМТнинг Афғонистондаги миссияси раҳбарларини, шунинг-

дек, АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатлар вакилларини бир ерга тўплаш имконини берди.

Бу омил жаҳон ҳамжамияти вакилларига тадбирда иштирок этаётган Афғонистон вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, фикр алмашиш ва Толибондан қутилиётган ижобий натижаларга эришишнинг истиқболлари, хусусан, инсон ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, инклюзивлик, хотин-қизлар учун таълим олиш масаларини муҳофама қилиш имконини берди.

Умид қиламизки, ушбу тадбир натижасида Афғонистон ҳукумати томонидан юқоридаги масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилади.

Биз БМТ жамоаси сифатида Ўзбекистон раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз ва бугунги кунда Термиз шаҳрида Афғонистонга гуманитар ёрдам етказишда логистика йўлига сифатида фолс фойдаланилаётганидан жуда мамнунмиз.

Бундан ташқари, ушбу шаҳарда Афғонистон фуқаролари учун ўқув маркази мавжуд бўлиб, у ерда билим олиш ва замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш имкониятлари яратилган.

Шунингдек, биз Сурхондарё вилоятида БМТ агентликлари билан қўшма дастурларни амалга оширмакдамыз ва афгон фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудида тегишли хизматлардан фойдаланиши, эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдамиз.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ АФҒОНИСТОНДАН ЮЗ ЎГИРМАСЛИГИ КЕРАК



Нагаоки Кансеке, Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон бўйича махсус вакили:

– Япония ҳам бошқа давлатлар сингари Афғонистонда барқарорлик бўлишини истайди ва шунга интилади. Бунинг сабаблари жуда аниқ, бу бутун афгон халқининг умиди, минтақадаги барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ, гиёҳванд моддалар, қочоқлар ва терроризм каби қатор халқаро муаммоларнинг самарали ҳал этилишига кўмаклашади.

Афғонистонда барқарорликни таъминлаш учун барча афгонлар, шу жумладан, аёллар, қизлар ва миллий озчиликларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инклюзив сиёсий жараёнлар сингари масалалар, шунингдек, терроризмга қарши курашни давом эттириш ўта ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Шуларни инobatга олган ҳолда Япония ўтган йил давомида ўз саяё-ҳаракатларини икки асосий йўналишга қаратди: биринчидан, Толибон ҳаракати билан ҳамкорлик қилиш, иккинчидан, афгон халқи эҳтиёжларини инobatга олган гуманитар ёрдамни кўрсатиш.

Халқаро ҳамжамият Афғонистондан юз ўғирмаслиги керак. Қийин гуманитар ва-

зиятга дуч келаётган афгон халқи ташлаб қўйилмаслиги учун Толибон билан янада қатъийликда ҳамкорликни давом эттиришимиз лозим. Халқаро ҳамжамият мувофиқлаштирилган ёндашувга таяниши лозим. Бу Тошкент анжуманининг мақсадларидан бири, деб ҳисоблайман.

Япония Афғонистон атрофидаги минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этади. Минтақавий алоқаларни мустақамлаш минтақавий иқтисодиётнинг тикланишига олиб келади.

Дарҳақиқат, Япония минтақада Ўзбекистон ва Афғонистон жанубини боғловчи темирйўл қуриш ёки Марказий Осиё мамлакатларида чегара назорати ва экстремизмга қарши курашиш соҳаётини мустақамлаш каби турли лоийҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Шу ўринда Ўзбекистон Сурхон – Пули-Хумри электр узатиш линиясини илгари сураётганини, Афғонистондаги зарур электр энергиясининг ярмидан кўпини Ўзбекистон

ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари таъминлаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Япония бундан кейин ҳам ҳамкорларимиз билан барқарор, хавфсиз ва мустақил Афғонистон манфаатлари йўлида яқиндан ҳамкорлик қилади.

АФҒОНИСТОН БАРҚАРОРЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КўПРОҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИМИЗ КЕРАК



Рикардо Лоса, Испаниянинг Афғонистон бўйича махсус вакили:

– Испания Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қилинаётган барча саяё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирмоқчиман. Ушбу мамлакатнинг янги ҳукумати шаклланишига яқинда бир йил тўлади. Барчамиз бу жараёнда уларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қўшма гуманитар ёрдам кўрсатишда иштирок этмоқдамиз.

Биз Афғонистон халқини қўллаб-қувватлаш ва гуманитар инқирознинг олдини олиш учун кўп ишларни амалга оширдик. Испания ва бошқа давлатлар Афғонистоннинг инқироздан жиддий зарар кўрган минтақалари, хусусан, жанубий ҳудудлари учун гуманитар ёрдам ҳажминини кўпайтирди.

Аммо гуманитар ҳаракатларнинг ўзи етарли эмас. Биз Афғонистоннинг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун кўпроқ ишларни амалга оширишимиз керак. Бу минтақавий ёрдам ва интеграцияни талаб қилади. Шу билан бирга, ресурслар инсон капиталига йўналтирилиши керак. Хусусан, биз аёллар ҳуқуқлари ҳақида кўп гапиряпмиз. Аёлларнинг ишлаш, ўқиш ҳамда жамоатчилик ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи шулар жумласидандир.

Афғонистонни қўллаб-қувватлаш учун барча томонларни жалб эта олишимизга ишончим комил. Шунингдек, биз афгон халқи ҳам ўз хавфсизлиги ва фаровонлиги учун ҳаракат қилишига ишонамиз.

АФҒОНИСТОНЛИК ЁШЛАР:

БИЗ КЕЛАЖАҚДА ДўСТ ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА, АЛБАТТА, ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚўШАМИЗ



Муҳаммад Нисо Ҳусайни, Термиздаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаси:

– Афғонистон хавфсизлиги ва унинг иқтисодиётини ривожлантириш мавзусини қамраб олган ушбу халқаро конференцияда қатнашганимдан беҳад хурсандман. Бу анжуманининг ўтказилиши, албатта, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яна бир муҳим ташаббуси ҳаётга татбиқ этилганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон раҳбарининг саяё-ҳаракатлари билан мамлакатингизда Афғонистоннинг таълим йўналишидаги равнақиға хизмат қиладиган афгон ёшларини ўқитиш таълим маркази барпо этилди. Биз ушбу таълим марказида таҳсил олаётганимиздан жуда мамнунмиз. Биз, талабалар бунинг учун Ўзбекистон раҳбарияти ва унинг халқига миннатдорлик билдирамиз.

Биз келажақда дўст Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш ишига, албатта, ўз ҲИССАМИЗНИ Қўшамиз.



Шекиба Самадий, Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаси:

– Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган ушбу халқаро форумда қатнашганимдан мамнунмиз. Анжуманда Афғонистонни янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, энг муҳими, тинчликни таъминлаш бўйича долзарб тақлифлар илгари сурилди.

Ҳозирги кунда Афғонистон катта ўзгаришлар бўсағасида турибди. Шу жумладан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар давом этаётди. Афғон ёшларини, хусусан, қизларни таълим билан қамраб олиш муаммолари ҳал этилмоқда. Мен афгон қизларининг бир вакиласи сифатида Афғонистон Муваққат ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонга келиб таълим олмақдаман.

Афғонистонда таълим олишга қизиқадиган ва Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилмоқчи бўлган тенгдошларим жуда кўп. Уларнинг таълим олиши, замонавий мутахассисликларни эгаллаши учун янги-янги олий таълим муассасалари ташкил этилса, мазкур таълим даргоҳларида таҳсил олган ёшлар Афғонистонни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлида меҳнат қилади.

Ўзбекистон Афғонистонга барча соҳаларда кўмак бермоқда. Шуни айтишим керакки, мамлакатингиз ва халқингиз кўмагини ҳар бир афгон фуқароси қалбан чуқур ҳис қилмоқда.

Эълонлар

«Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўтказилиш вақти: 2022 йил 19 август куни соат 10:00.

Ўтказилиш манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Бирлик» МФЙ манзилида жойлашган «Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ биноси.

Электрон почта манзили: oaoatmk_pri@mail.ru. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 19 август соат 09:00 дан 09:30 гача ўтказилади.

Кун тартиби:

- 1) жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш;
- 2) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- 3) Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарорини бекор қилиш. 2022 йил 12 майдаги кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича;
- 4) жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 5) эълон қилинган акциядорларнинг максимал миқдорини ошириш;
- 6) жамият уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;
- 7) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини тугатиш;
- 8) «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб топилиш;
- 9) «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамияти бошқаруви тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб топилиш;
- 10) «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ва уни янги таҳрирда тасдиқлаш;
- 11) «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ва уни янги таҳрирда тасдиқлаш;
- 12) «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш;
- 13) Жамиятнинг кузатув кенгашининг амалдаги таркиби ваколатларини тугатиш ва унинг янги таркибини сайлаш;
- 14) Жамиятнинг амалдаги директори ваколатларини тугатиш ва янги директори тайинлаш;
- 15) Акциядорларнинг устуллик ҳуқуқидан фойдаланмаслик тўғрисида жамиятнинг қўшимча акциядорларини жойлаштириш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорларининг реестри 2022 йил 15 августдаги иш кунининг охири ҳолатига тузилади. Акциядорлар танишиш ҳуқуқига эга эканини эслатиб ўтаемиз.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш бўйича материаллар ва маълумотлар билан Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Бирлик» МФЙ, «Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ манзили бўйича ёки +998909973333 телефон рақами орқали танишиш мумкин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини рўйхатдан ўтказиш ва унда иштирок этиш учун акциядорларда шахсий гувоҳнома (паспорт), акциядорлар вакилларида эса – ишончнома (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) бўлиши керак. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тузилган бўлиши шарт.

Агар акциядор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида масофадан туриб иштирок этиш ва овоз беришни хоҳласа, ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жамиятнинг равишида хабардор қилиши шарт.

«Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ Кузатув кенгаши

Тошкент иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежи томонидан 2015 йилда Хушбакова Дилбар Қосим қизи номига берилган К № 4038587 (рўйхат рақами 440) рақамли диплом иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти ИИББ ЖХХ томонидан 2020 йилда ЙХХБ Ахборот гуруҳи етакчи мутахассиси капитан Аскарлов Рустамбек Ровшанбек ўғли номига берилган ТВ-8-38620-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«EAST STARK-TV» ЖХнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «EAST STARK-TV» ЖХдан «EAST STARK-TV» МЧЖга ўзгарилишини маълум қилади. Маълумот учун Тошкент ш. Миробод тумани, Госпиталний кўчаси, 12-уй манзили бўйича мурожаат қилишларингиз мумкин.

Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент 1-сонли юридик коллежи томонидан 2009 йилда Хасанов Валижон Маматқуллович номига берилган К № 1510996 (рўйхат рақами 363) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1993 йил 27 октябрда Самойлова Мария Сергеевна номига берилган №07-22/2538 рақамли уй-жойга эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Эшқобил ШУКУР, шoir, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Бундан кўп йиллар бурун, 1-синф ўқувчисидан тортиб мактаб директориғача пахта даласида жавлон уриб юрган пайтлари Эркин Воҳидов билан Дўрмонда гурунг қилганимизда, у киши айтган бир гап ҳеч эсимдан чиқмайди: «Дўппини бошдан олиб ўйлаб қарасак, дунё аллақачон иккига бўлинган. Дунёнинг қаеридадир осмонўпар бинонинг 60-қаватида костюм-шим ва галстукдаги одамлар креслода ястаниб, жаҳондаги жараёнларни бошқариб ўтирган бўлса, яна қаеридадир одамлар чангалзорларда уят жойини хас-хашак билан бекитиб, таёқ-найза кўтариб югуриб юришибди. Кийган костюм-шимимиз ва таққан галстугимизга қараса, ўша 60-қаватда дунё тақдирига таъсир кўрсатаётган одамларга ўхшаймиз. Тафаккуримизга қараса, чангалзорларда уят жойини хас-хашак билан ёпиб, югуриб юрган одамларга ўхшаймиз». Эркин аканинг бу гапларидан қаттиқ таъсирланган эдим.

Сув келтирган азизми ё кўза сундирган?

Кейинги пайтларда мени бир нарса қаттиқ ташвишга солмоқда. Бизнинг яқин тарихимизда миллатнинг миллат бўлиши учун курашган, кечаю кундуз тер тўкиб меҳнат қилган, миллий ҳазиналаримизни мустабид давр суронларидан омон сақлаб қолиш учун машаққат чеккан шундай мўтабар олимларимиз борки, ҳеч бирини танаймиш. Мен ҳозир уч олимнинг исм-шарифини келтираман: Порсоҳон Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Қаном Каримов (шукри, бундай олимларимиз кўп). Айтинг-чи, уларни халқимизнинг неча фоизи танийди? Ўн фоизи десам, ошириб юборган бўламан, шекилли. Балки беш фоизи билар... Бунга ҳам шубҳам бор. Энди энг алам қиладиганини айтмай. Ижтимоий тармоқларда бемаъни гаплари, туттуруқсиз кўшиқлари, бачкана қилиқлари билан от чикараётган ёки оғзига келганини вайсаб, жилпанглаб юрган баъзи эстрада хонадаларини аҳолимизнинг неча фоизи танийди? Олмиш-етмиш фоизи десам, камайтаман бўларман. Бу ўринда яхши кўшиқлари билан эл эътиборига тушган истеъдодли санъаткорларни назарда тутаятганим йўқ, айнан бачканалик ва бемаъниликни тартиб қилаётган савиясиз отарчилар ҳақида гапирялман.

«Қачон одам бўламиз?!» Элга нимадан фойда-ю, нимадан зарарлигини, миллат фахри кимлар-у миллат қурти кимларлигини қачон ажратамиз? Алишер Навоийнинг 1958 йили нашр этилган «Хамса»сини тез-тез варақлаб тураман. Оч малларанг муқовали кичик жомадондай келади (30 см x 22 см), 88,9 босма тобқ, жами 853 (I) саҳифадан иборат китоб. Бу китобни бугун мамлакатда бармоқ билан санарли одам билладиган Порсоҳон Шамсиев тайёрлаган. «Хамса»нинг айна шу муқаммал нусхаси навоийшуносликнинг барқ уриб ривожланишига хизмат қилди. Мумтоз асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш нима эканини, ҳарқалай, тасаввуримга сиғдира оламан. Бу тоғни тешиб сув йўлини очиб билан баробар. Писта чақис эмас. Ҳомидхон Ислоий домла биргина «Насойим ул-муҳаббат»нинг танқидий матни устида 25 йил ишлагани бу юмуш қанчалар машаққатли эканини далиллайди.

«Хамса»нинг илмий-танқидий матни шу даражада катта иш эдики, унча-мунча ҳавойи даъвогарларнинг белини синдириб юборарди. Шунинг учун ҳам манатариб қилаётган савиясиз отарчилар ҳақида гапирялман.

Энди бир ўйлаб кўринг. Ватан ва миллатга буларнинг қай биридан фойда? Элнинг халқ бўлиши учун курашган ўша олимларданми ё элнинг оломон бўлиши учун хизмат қилётганларданми? Авлодларга маърифат ва илм улашганлар қайда-ю ёшларни бачканалик ва бемаънилик ботқоғига судраётганлар қайда? Сув келтирган азизми ё кўза сундирган? Бугун 16–25 ёшгача бўлган ўғил-қизлардан Порсоҳон Шамсиевни биласизми, деб сўровнома ўтказиб кўринг-чи? Кейин эса энг савиясиз эстрада хонадасининг номини айтиб сўров уюштириг. Жавобларда шармандалар ҳолга дуч келишингиз икки карра иккидай аниқ. Бу ҳолни сиз қандай баҳолайсиз, азиз замондош? Нега шундаймиз? Ўзбекча қилиб айтганда,

«Бизни кечиринг, азизлар. Сизлар илм ва маърифат заҳмат-кашлари эдингиз. мустабид тузум халқлар тарихини гўрга тикаётган бир даврда «Хамса»ни, «Девону луғотит турк»ни, «Кутадғу билиг» каби миллат ҳазиналарини асраб қолиш учун, миллат руҳини сақлаб қолиш учун жонингизни бериб ҳаракат қилдингиз. игна билан кудуқ қазидингиз, теша билан тоғни тешиб ўтдингиз. кўпларингиз дилда армон, кўзда ёш билан кетдингиз. биз эса сизларни эслашга эринамиз. бизни кечиринг, азизлар. сизларнинг номингизни ҳар бир ўзбек билишини ва руҳингизга эҳтиром кўрсатишини чин юрагимдан истаيمان. сиз шунга муносибсиз.

ман деган давр маҳмаданалари бу ишни зиммасига ололмаган, яқинига ҳам йўлай олмаган. Порсоҳон Шамсиев эса 52 000 мисралик, 853 саҳифалик «Хамса»ни танқидий матнлари, тарихий нусхалари асосида муқаммал нашрга тайёрлаган. Бунинг қандай меҳнат эканини дап этса, даъво қиладиган, қуруқ идадодан нарига ўтолмайдиган чаламулалар тасаввурига сиғдира олмайдди. Баъзи адабиёт олимидан ва шоирман деганлар 853 саҳифадан 100 бетини ўқишга ҳам ўзида куч топполмайди. Ҳолбуки, Порсоҳон домла бу

китобнинг ҳар сўзига кўз нуруни, қалб кўрени тўккан. Домланинг бундан ташқари қанча хизматлари ва ишлари бор. Куйидаги фактларга шунчаки ўткинчи назар билан эмас, виждон билан бир диққат қилинг: Порсоҳон Шамсиев Алишер Навоийнинг 15 томлиги учун «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Назм ул-жавоҳир», «Арбаин» каби асарлари ва юқорида таъкидлаб ўтганимиз «Хамса»нинг ҳамма достонларини нашрга тайёрлаб берган эди. Шунингдек, Қозон давлат университети кўлэмалар фондида сақланаётган 1568 йили Ҳиротда Маҳмуд котиб томонидан кўчирилган «Илк девон»ни ҳам аниқлаган ва илмий тавсифини берган. 1487–88 йиллари Ҳиротда Абдуҷамил томонидан тузилган «Наводир ун-ниҳоя»нинг қадимги нусхасини топган ва Султон Али Машҳадий кўчирган варианты билан қиёслаб, асосий тафовутларни қайд қилиб чиққан.

Ҳайратланарли ишлар, ҳайратланарли меҳнат, муҳими, ҳайратланарли натижа! Лекин биз ҳайратланмаймиз. Ҳа, бўлса бўлгандир-да, иши бўлгандан кейин қилади-да, деб кўямиз-у, яна аллақандай майда-чуйдалар изидан чопишда давом этамиз.

Кейинги йилларда мен деярли ҳар кун, ҳеч бўлмаганда, икки куннинг бирида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобини варақлайман. 1960-1963 йиллари нашр этилган бу китоб йўлдошимга, суҳбатдошимга айланган. Мен энг яқин дўстимдан кўра ҳам шу китоб билан кўпроқ гурунлашаман. «Девону луғотит турк» уч жилдлик, индекси билан кўшиб ҳисоблаганда тўрт жилдлик китоб. Биринчи жилднинг ўзи 499 бет. Ҳар жилд бошида кичик шрифтда бир ёзув келади: Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С.М. МУТАЛЛИБОВ. Қарангки, ҳатто исми ҳам тўлиқ берилмаган.

Туркий дунёнинг мислсиз хазинаси «Девону луғотит турк»ни таржима қилиш

ва нашрга тайёрлаш жуда оғир, жуда мураккаб иш. Бу ниҳоятда катта билим ва тажрибани талаб этарди. Миллатимиз ва тилимизнинг минг йилликларидан хабардор одамгина бу ишга қўл уриши мумкин эди. Бошқаларнинг журъати ҳам, бардоши ҳам етмайди. Солиҳ Муталлибов бу тарихий ишни муваффақият билан ҳам жарган. Олимнинг бундан ташқари ҳам қанча илмий, ижодий ишлари бор.

Юсуф Хос Ҳожибнинг 1971 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Кутадғу билиг» китоби, 964 бет. Нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати Қаном Каримов. Оддийгина фан кандидати-нинг қилган ишлари манаман деган академикнинг ҳиссасидан кам эмас. Профессор Ҳамидулла Дадабоев гурунларимизнинг бирида: «Мен Қаном Каримовнинг қадимги туркий сўзлар луғати кўлэмасини кўрганман. Нақд 60 босма тобқ эди! Афсуски, шундай катта иш қаерлардадир йўқ бўлиб кетди», деган эди.

Бу одамлар совет отини миниб, чоптириб мазлум миллат ҳазиналарини топтаб ўтишмаган. Минбарларда оғиз кўпиртириб маддоҳларча шовқин-сурон кўтаришмаган, меҳнат қилишган, халқни халқ сифатида тутиб турган устунларни асраб қолиш учун дард ва матонат билан курашганлар. Булар қаторида Ходи Зариф, Ҳамид Сулаймон, Музаляна Алавия, Кутбиддинхон Муҳиддинов, Алибек Рустамов каби улўғ олимларимиз бор эдилар.

Бизни кечиринг, азизлар. Сизлар илм ва маърифат заҳматкашлари эдингиз. Мустабид тузум халқлар тарихини гўрга тикаётган бир даврда «Хамса»ни, «Девону луғотит турк»ни, «Кутадғу билиг» каби миллат ҳазиналарини асраб қолиш учун, миллат руҳини сақлаб қолиш учун жонингизни бериб ҳаракат қилдингиз. Игна билан кудуқ қазидингиз, теша билан тоғни тешиб ўтдингиз. Кўпларингиз дилда армон, кўзда ёш билан кетдингиз. Биз эса сизларни эслашга эринамиз. Бизни кечиринг, азизлар. Сизларнинг номингизни ҳар бир ўзбек билишини ва руҳингизга эҳтиром кўрсатишини чин юрагимдан

истайман. Сиз шунга муносибсиз. Юқоридаги аччиқ гапларим ҳам шундан. Юртимиздаги ёшларнинг кўпчилиги шу кунларда Африкада, Австралиядами бирор эстрада кўшиқчиси пайдо бўлиб қолса, дарров таниб, билиб олади, бутун таржимаи ҳолигача ёдлайди, ҳатто суратини телефон ойнасига ўрнатиб қўяди. Аммо ўзбек халқининг минг йиллик тили, адабиёти ва тарихини кўлимизга тутқазган мўтабар олимларимизнинг исмларини билишини-да исташмайди.

Инсон 12–25 ёшгача ўта қалтис даврдан ўтади. Бу пайтда кимлардан ибрат олса, шуларга ўхшаб шаклланади. Ёшларнинг хотирасиз авлод сифатида шаклланишидан Худонинг ўзи асраин.

Битта ҳақиқий олимни етиштириш учун миллатнинг қанча қони кетади, қанча тери тўкилади. Қон ва терни литрларда ўлчаб бўлмайди. Бу олимлар ҳазилкам одамлар эмас эди. Баъзан уларнинг суратларига қараб ўйга толаман.

Порсоҳон домла, Қаном Каримов домла... нақадар хокисор чеҳралар. Шундай улўғ ишларни қилишиб, яна тортишиб, қимтини туришади. Шайхзода айтгандай: «Э-э, замон оғир эди». Эски ёзувни билганлари учун ҳам баалога қолганлар бор. Китоб кўргани учун НКВД итларига таланганлар бор. Шунга қарамай, улар ўз вазифаларини сийқаб билан адо этдилар. Бошларидан зулм тегирмони айланми турса-да, улар Навоий ё Кошғарийни кўйиб, мукофот тилиб, сийловлар сўраб, илмий коммунизму атеизм сари юз бурмадилар.

Ҳамид Сулаймоннинг уйида рафиқаси, оlima Фозила Сулаймонова билан гурунлашганимда бир гапни айтган эди: «Ҳамид Сулаймон қамалиб кетишидан олдин Ғарб адабиёти билан шуғулланар эди. Қамокдан бутунлай ўзгариб қайтди ва менга айтди: «Фозила, умримдан қанча қолган бўлса, бу ёғини фақат Навоийга бағишлайман. Мен у ёқда шунга қарор қилдим!»

Мени яна ўша савол қийнайди: Порсоҳон Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Қаном Каримов! Айтинг-чи, шу уч олимни ҳозирда миллатимизнинг неча фоизи танийди? Беш фоизи билармикин? Шундай ибрат мактаблари бўла туриб, енгил-елли нарсаларга, бачкана қилиқларга, кўпик хою ҳавасларга маҳлиёлик нечун? Миллат устунларининг устунлигини билмай, шу устунга кўниб қағиллаб ўтирган аллақандай қарғаларга маҳлиё бўлиб юриш маърифатдан эмас. Буни ҳаммамиз, айниқса, ёшларимиз тўғри англаши керак. Мени яна ўша савол қийнайди. Жиддий ва аламли савол...

«Ishonch» газетаси тахририяти матбуотда чоп этилаётган долзарб мавзудаги мақолаларни ўз муштарийларига етказиш мақсадида «Ҳафтанинг энг яхши мақоласи» рукнини ташкил этди. Бугун муштарийлар эътиборига таниқли шоир, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил Шукурнинг «XXI аср» газетасида нашр қилинган «Сув келтирган азизми ё кўза сундирган?» мақоласи ҳавола этилмоқда.

ИНСОН 12–25 ЁШГАЧА ЎТА ҚАЛТИС ДАВРДАН ЎТАДИ. БУ ПАЙТДА КИМЛАРДАН ИБРАТ ОЛСА, ШУЛАРГА ЎХШАБ ШАКЛЛАНАДИ. ЁШЛАРНИНГ ХОТИРАСИЗ АВЛОД СИФАТИДА ШАКЛЛаниШИДАН ХУДОНИНГ ЎЗИ АСРАИН.



ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ГОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Қораз вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи қўйилганлиги шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назардан фарқланishi мумкин.

Масъул муҳаррир: Р. Ҳикматов Навбатчи муҳаррир: М. Ҳамидова Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 01:30 Топширилди – 01:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма тобқ. Буюртма Г-706 31641 нускада босилди. Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нарҳда Манзиллимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тахририят хизматлари: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «protoka bank» Яншобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

МУҚОВА-КУ чиройли, МАЗМУН-ЧИ?

Аччиқ бўлса-да, тан олишимиз керак: кашфиётларнинг энг буюғи ҳисобланган китобнинг қиймати бугун анча түшиб кетди. Бунга китоб қиқаришини бизнес қилиб олганларнинг енгил-елпи асарларини ҳам нашр этаётгани ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилаётгани ҳам асло кўз юмиб бўлмас ҳақиқат.

Зал-азалдан илм олиш, ижод қилиш ҳар доим ҳам миллатнинг мавжудлиги ва у нимага қодир эканини кўрсатувчи омилардан саналган. Арастудан Ибн Синогача, Афлотундан Берунийгача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шақланиши, дунёга танилиши, замонлар ошса-да, ахамияти йўқолмайдиган

тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб шарофати билан рўй берди.

Кеча, бугун ва эртага ҳам бой маърифий, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, янги илмий изланишларнинг асоси учун хизмат қилувчи манбаларга мурожаат қилишнинг ҳам ўзига яраша сабаблари мавжуд. Мутафаккирларимиз томонидан яратилган китоблар бугун бебаҳо, нодир ва қимматли асарлар сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Зиё қоронгуликни ёритди. Китоб ҳам қалбларга нур, илиқлик бахш этади. Китобга ошно инсонлар ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятини нурлан-тирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликка ҳисса қўлувчи шахс эканини эътироф эттишимиз лозим.

Таниқли шоир, адабиётшунос Туроб Мақсуднинг қизи эканимдан кўксим фанх-ифтихорга тўлади. Отам оилавий кутубхонамизни ноёб, нодир китоблар билан бойитиш қанда қилмас, баъзи асарлар жуда қамеб ва ягона нусхада эканилигини таъкидлаб, бизнинг китобга ошуфта бўлишимизга замин яратган. Ўрни келганда айтишим лозимки, оилавий кутубхона фақат безак, уй эгасининг «зиёлиги»ни билдирувчи белги бўлмаслиги керак. Демак, китобнинг чиройлилиги, саҳифаларнинг букланмагани эмас, аксинча, унинг қай даражада кўп ўқилгани муҳим.

Бугун дунё, мамлакатимиз оламшумул ўзгаришларга юз тут-моқда, янги ислохотлар амалга ошириляпти. Ушбу воқеяларга бадийий ишлов бериб, пиш-шиқ-пухта, тош босадиган асарлар яратиш даврининг талабига айланди. Халқимиз ҳам айнан шундай китобларни кутмоқда. Ай-рини замондошларимиз замон ўз-ғариб, ҳозирги ёшлар негадир ки-

Эълон «Трансйўлқурилиш» МЧЖ кредиторлари диққатига!

«Трансйўлқурилиш» МЧЖнинг бўлиш балансига мувофиқ Сурхондарё филиалини ажратиб чиқариш орқали «Термиз йўл қурилиш таъмирлаш» маъсулияти чекланган жамияти ташкил этилди ҳамда бўлиш балансига асосан «Трансйўлқурилиш» МЧЖ Сурхондарё филиалининг ҳуқуқий вориси этиб «Термиз йўл қурилиш таъмирлаш» МЧЖнинг ягона иштирокчиси этиб «Йўлқурилиш» АЖ белгиланди. «Трансйўлқурилиш» МЧЖнинг устав капитали 286 096 867 000 сўм ва «Термиз йўл қурилиш таъмирлаш» МЧЖ устав капитали 26 144 000 000 сўм этиб белгиланди. Шунга кўра, «Трансйўлқурилиш» МЧЖ кредиторлари хабар эълон қилинган санадан эътиборан 20 кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари мuddатидан илгари тугатилиши ёки бажарилиши бўйича Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй манзилига ёзма равишда мурожаат қилиши маълум қилинади.

Холбуви МАҚСУДОВА, Шароф Рашидов туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

